

1991 йил 1 сентябрдан
чиқа бошлаган

ЧИРОФИ ҲАМ ҲОВЛИ



Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов туманининг Беруний маҳалласи хотин-қизлар раиси бизни ажойиб бир хонадонга бошлаб борар экан: "Боисхон ака Абдусаломов ҳам, аёли Рафоат опа ҳам ўтиб кетишган. Шундай бўлса-да, хонадонлари ҳозир ҳам файзли, худди улар ҳаётдек. Чунки ака-ука,

опа-сингил ва овсинлар ниҳоятда инोक", - дея таърифлади. Бизни қарши олган аёлларнинг биридан: "Бу уйнинг бекаси сизми?" деб сўрасам: "Йук, мен эмас, бу ҳаммамизнинг уйимиз. Ҳозир сизга тушунти-

риб бераман. Бу оилада уч ўғил, икки қиз бўлган. Оиланинг тўнғич ўғли Абдувосиқхонни уйлантириш керак бўлганида ўзлари каби ўқимишли қиз қидирилган. Суриштириб-суриштириб, ҳуқуқшунос Хуршидахонни топишган. Демак, мана бу чиройли

аёл катта келин бўлади. Кейин иккинчи фарзандлари Машхураҳонни узатишган, ҳозир қиз чиқариб, қудали бўлиб ўтирган мана бу биолог аёл ўша катта қизлари бўлади. Иккинчи ўғиллари Абдусаматхонни уйлаш лозим бўлганида қўшни ҳовлидаги акушер-гинеколог қиз эсларига тушган. Совчи бўлиб чиққан хонадоннинг ўғли олий маълумотли, яна касбдош-шифокор, келишган йигит бўлгани учун қиз ҳам рад этмаган. Ўша қўшни қиз мен бўламан. Биз кенжа келин билан бирга тушдик. Келинни мани ҳўжайиним топган, ўртоғининг синглиси бўлади, филолог. Бу пайтда иккинчи қизлари юрист Мастураҳон ҳам узатилиб кетган эди. Кейин бирин-кетин уй олиб чиқиб кетдик ва кенжа ўғил Абдулазизхон ҳовлида қолди. Аммо ошенимиз бошқа бўлса-да, бу ҳовлининг файзи, меҳри бизни ўзига тортаверади. Бу ердан кўнгил узолмаймиз. Ҳар куни бир келиб кетамиз».

Таништиришни ҳўқодек қилиб айтиб берган бу камтарин аёл таникли акушер-гинеколог Шаҳодатхон Абдусаматова эди. - Ойижоним ҳеч қачон бизга қаттиқ гапирмаган, ҳар бир ишда, муомалада ўрناق эдилар, дейди катта келин, ҳуқуқшунос

Хуршидахон. - Ҳўқимизга, ишлашимизга тўла-тўқис шароит яратиб берган. Ҳўзирги иноқлигимиз шу инсонлар бизнинг қалбимизга солган меҳрдан, ўғитлардан бўлса керак.

- Келин бўлганимнинг эртаси куни тонг сахарда телефон жиринлаган, - деб эслайди шифокор Шаҳодат опа. - Кўнгирик менга эканлигини дарров сезганман. Қайнонам гўшакни қўйиб, мени "Уйга ҳалак бўлмай, ҳамма ишингизни кўнгилдагидек қилиб келинг", - деб ишга жўнатдилар. Шунда уларнинг жуда тушунган, ўзгаларни ўйлайдиган инсон эканликларини англаганман. Кўрдингизми, биз келинлар касбимиз орқасидан обрў топишимизда хонадонимиздаги муҳитнинг ҳам катта таъсири бор.

- Дадамларнинг "Сизларга илмини бойлик қилиб қолдираман", деган васиятлари доим қўлголмади, - дейди тўнғич ўғил. - Мана шу бойлик барчамизга умр бўйи асқотди, обрў-ҳўрматли қилди, нон берди.

Дарҳақиқат, ота-онадан фарзандларига тўғри тарбия, билли ва меҳр мерос бўлиб қолса бу хонадоннинг чироғи ҳеч қачон ўчмайди.

Матлуба ШУКУРОВА



Булар Андижон вилоятининг "Қуйган ёр" шаҳарчасида истиқомат қилишаркан. Сотволди ака Фаниев биология фанлари номзоди, таникли олим, Андижон педагогика институтининг доценти эканлар. Эътиборхон ая мактабда бошланғич синфларга дарс бериб, обрўга эришганлар. - Турмуш қурганимизда эндигина ўнинчи синфни битирган эдим, - дейди Эътиборхон ая. - Мени институтда ўқитдилар. Шароит яратиб, фарзандларни тарбиялашда ёрдам бердилар. Кейин ўзлари Тошкентга аспирантурага кетиб, диссертация ёқлаб қайтидилар.

- Барака топкур аянғиз сабрли, сардоқатли, меҳнаткаш аёл. Беш йил давомида учта ёш бола билан қолиб, ҳам мактабда ишлаб, ҳам рўзғор тебратиб, олим бўлишимга кўп ёрдам берганлар. - **Фарзандларингиз тарбияси ҳақида билгим келади.**

Эътиборхон ая саволимга шундай жавоб берди:

- Уларга аввало ўзимиз ибрат бўлдик. Бир умр институтда талабаларга дарс бердилар. Уйга келгач, болалар билан шўғулландилар. Дилшодбек ўғлимиз тadbиркор. Дилмурод ҳуқуқшунос. Қизларимиз кўпроқ менга тортиди. Уйим-жойим, дейишадди. Эрни, қайнона-қайнотани ҳўрмат қилишадди. Ишлашга ҳам вақт топишадди. Луизахон қизим болалар шифокори. Дилфуза қизим муҳандис. Набиралар замонавий касбларга ўқишгапти. Келинларимиз Зоҳидахон, Маъмураҳонлар ҳам оилани муқаддас санашади. Бири ўқитувчи, иккинчиси ҳамшира. Барака топкурлар кўнглимизга қараб иш тутишадди. Умуман, бизнинг оилада шўкр қилиб яшаш устивор.

Кўнгли ёрғу кишилар афродиди қалбига ҳам ёрғу нуф сочади. **Санъат МАХМУДОВА**

ГРАНТЛАР ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон Муσταқил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ташкил этилганига энди 1 йил бўлаёпти. Шу қисқа вақт ичида фонд ахборот агентликлари, босма ва интернет нашрларини молиявий ҳамда техник жиҳатдан қўллаб-қувватлаш бўйича бир қатор ишларни амалга оширишга улғурди. Яқинда ўтказилган "Фўқаролик жамияти қурилиши жараёнида оммавий ахборот воситалари фаолиятини ривожлантириш ва фаолаштириш" мавзусидаги медиа форум ана шундай тadbирларнинг яна бири бўлди.

- Апрель ойида эълон қилган грантлар танловимизда асосан пойтахтда чоп этиладиган 10дан ортиқ нашрларнинг лойиҳалари молия-

ва ташкил этилиб, ишга туширилади. Албатта, пойтахтдаги бир неча нашрлар ҳам, умуман 32 та газета грантларимизга сазовор бўлишди.

Бугунги кунда мамлакатимизда 900 га яқин газета ва журналлар чоп этилаётган бўлса, уларнинг 8 таси истиқлол тендоши, яъни 1991 йилда ташкил этилган. Медиа форум кунлари ана шу тахририятлар, жулмалар "Оила ва жамият" ҳам, муборакбод этилиб, уларга фондинг фахрий ёрлик ва эсдалик совгалари топширилди. Ўзбекистон Қўрамонни, республика ёзувчилар уюшмаси ҳамда жамоат фондининг васийлик кенгаши раиси Абдулла Орипов фахрий ёрликлар, грант соҳибларига тегишли сертификатларни топширар экан, ОАВларнинг нуфузини ошириш,

уларни тахлилий жиҳатдан юксак савияда ёритилган материаллар билан бойитиш, бозор иқтисодиёти шароитида нашрлар дуч келаётган муаммоларни ҳал этишда ажратилган техника воситалари жуда қўл келишини таъкидлади.

"Оила ва жамият" тахририят томонидан фонда тақдим этилган "Оналик ва болалик муаммолари, хотин-қизларнинг давлат ва мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ўрнини ошириш, оиладаги ўзаро муносабатлар" мавзусидаги лойиҳа ҳам танлов соҳибига тегишли молиявий ва техник жиҳатдан қўллаб-қувватланди.

Д. ИБРОҲИМОВ

Саҳифа Ўзбекистон муσταқил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди гранти доирасида тайёрланди.



КўНГЛИ ЁРУҒ КИШИЛАР

Бир-бирига бўлган иззат-ҳўрмати, меҳри кўзларида, қадамларида сезилиб турган бу иноқ эр-хотинни сўхбатга тортарканман, ҳазил аралаш дейман: - Кечагина танишган ошқамашуқлардек гулзору боғларда кезишларингиз, ўзаро сўхбатларингиз жуда гўзал. Қизик, нималарни гаплашасизлар-а?

Икковлари ҳам кулиб қўйишди ва Сотволди ака жавоб беради.

- Ҳаёт фалсафасидан, ўғил-қизлардан гаплашамиз-да. Набиралар камолини орзу қиламиз. Ҳадемай чевара кўраимиз, деб сўнаимиз...
- **Ие, кўринишингиз ёш-ку! Чевара кутаямиз, денг.**
- Ёшимиз етмишга бораёпти. 1958 йили тўйимиз бўлган. Турмушининг баланд-пасти йўллари биргаликда босиб ўтдик. Насиб этса, олтин тўйлар қиламиз. Шундайми, аяси?
Эътиборхон ая қизариб, аста

жавоб берди:
- Ҳа, шундай!
Буларнинг майин, сипо сўзлашлари ҳавасимни келтирди.

- Ҳа, меҳр-ардоқ кишини яшартиради, умрига-умр қўшадди, деганлари шу экан-да!

Сотволди ака маъқуллайди:

- Ҳа, рост айтасиз. Мен Эътиборхонни деярли ҳар йили сайру-саёхатларга, мана шунангани дам олиб, даволанишларга олиб бораман. Ҳамиша соғ бўлишларини, юзга киришларини истайман. Қўлаверса, фарзандларни катта қилишингиз, бир умр мактабда кичкинтойларга дарс беришингиз ўзи бўлмаган... Мана бу йил Косонсой санаториясига келдик. Жуда соз дам олаяпмиз.

- **Қойил! Баъзи беҳафсала эр-хотинлар сизлардан ўрناق олишса бўларкан.**

- Ҳа, ҳаётни қадрлаш керак. Умр бебаҳо, соғлиқ олтиндан қиммат, инсон ганимат! - дейди Сотволди ака.



Эсимни танибманки, кўлингиздан китоб тушмайди. Хотиранингизга кўз тегмасин: таниқли шоирларимиз ва ноширларимизнинг жуда кўп китобларини сақлаб юрасиз. Ўзлари истиқомат қилаётган Яққабов туманидаги Жамбул маҳалласида бир гуруҳ онахонлар "гап ўйнашди". Бу гап қай тарзда ўтади, денг. Оддийгина дастурхон тузалади, уй бекаси толган-тутганини ўртага қўяди, икки соатча давом этадиган ўтириш давомида фазаллар, хикматлар ўқилади. Онам бир-биридан яхши китобларни топиб бориб аёлларга ўқиб беришдан, баъзида доирани кўлига олиб хиргойи қилишдан чарчамайди. Бир куни онам

СУЯНГАН ТОҒИМ МЕНИНГ...

Онам, онажонимнинг исми-шарифлари Ойдиной. Онам тўққиз фарзандни тарбиялаб вояга етказган, уйли-жойли қилган оддий ўзбек аёли.

Баъзан онамнинг ёшлиқлари ёдимга тушса ваҳимага тушиб кетаман. У даврларда хозиргидек газ гуриллаб ёниб, крандан сув оқиб турмаган. Қор ва ёмғирларнинг сувини йиғиб кечаси билан кир ювиб чиққанларини сира унута олмайман. Киш кунлари ҳам эринмай гилам ювардилар. Кечалари билан ёниб турадиган чироқларимиз чиннидек ярақлар, коса-товокларни гоҳ кул, гоҳида кум билан қиртишлагани-қиртишлагани эди. Онамнинг қачон ётиб, қачон уйғонганларини эслаб олмайман. Кечалари уйғониб кетганимда, чироқ ёруғида 30-40 талаб дафтарларни текшираётган булар, катта дафтарни тўлдириб эринмай конспектлар ёзар, тумандан икки-уч чақирим наридаги мактабга бориб дарс бериб келардилар. Онажоним, онажоним-а, мунча кучкуватни қаердан олган экансиз-а? Турмушнинг неки азоблари, ташвишлари бўлса, барчасини тотиб бўлгансиз.

Эслаб кўрсам, ўқувчиларингизнинг ҳар бирини ўз фарзандингиздек севиб ардоқлаган экансиз. Киш-қировли кунларда оёқ кийимлари адо бўлган болаларни опичлаб уйларига олиб борган кунларингизни биламан, эринмасдан уйма-уй кезиб ота-оналар билан бола тарбияси ҳақида қилган суҳбатларингизни бизларга ҳам сўзлаб берадирингиз. Шунинг учун ҳам ҳаёли-ҳануз ўқувчиларингиз ўқилаб келиб туришадди, тўйларига айтиб кетишадди.



бизларни соғиниб Тошкентга келдилар. "Сирожиддин Саййиднинг шеърларини яхши кўраман, шу йигитни бир кўрсам эди", деб қолдилар. Кўнглида армон бўлиб қолмасин, деб онаганимни таскига ўтказиб Ёзувчилар уюшмаси томонга кетдик. Сирожиддин онамни бағрига босиб илиқ қарши олди. Иккита китобига "Ойдин онажонимга" деб ёзиб берганларида, онамнинг қувончини кўрсангиз эди...

- Сизга нима олиб бораё? - дейман кўнгирик қилиб ҳолу-аҳвол сўраганимда.

- Менга янги чиққан яхши китоблардан олиб келсанг, яна ўзингни ҳам соғиндим, - дейдилар.

Онажоним сиз бизнинг суянган тоғимизсиз. Жилмайиб турган чехрангизни, ширин сўзларингизни соғинганимда, ўзимни кўярга жой топа олмай қоларман. Уйлаб кўрсам, бирон марта ҳам кўнглингизни ололмабман. Сиздек катта-кичикнинг дардига қулоқ солиб дардаш, сабр-тоқатли бўлишдек фазилатлар менга насиб этармикан? Оналарга бўлган муҳаббат ҳақида энг улғу шоиру ёзувчиларимиз, донишмандларимиз энг улғу сифатларни айтишган.

Лекин барибир оналар ва болалар ўртасидаги муҳаббатни ҳеч нимага қийслаб бўлмайди.

Мен ҳам кўнглим тубидиги энг чиройли муҳаббатимни изхор этишга ожизман, онажоним...

Мехринисо КҮРБОНОВА, ёзувчи.

ЭЛ ДУОСИГА САЗОВОР



Одинахон Дўстматова Кўкон шаҳар "Кўконмаш" очик ҳиссадорлик жамияти раҳбари. 300 нафар ишчига бошлиқлик қилади. Улардан 98 нафари аёллар. Ишдан ташқари уларнинг иссиқсувуғи, яхши-ёмон куни доим Одинахоннинг эътиборида. Жамознинг бобон йигити кам таъминланган оила

фарзанди бўлгани боис тўю томоша қилиб уйлантирган эди. Мана бир йил ўтиб фарзандли бўлишди. Битта оиланинг ҳаёти изга тушди.

Одинахоннинг бундай тугинган ўғил-қизларининг сони 20 тага етди. У турмуш ўртоғи Фанижон Зокиров билан етим-есир, ногирон болаларга тез-тез моддий ёрдам уюштириб туради. 17 - меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларидан 10 нафарига суннат тўйи қилиб берди. 9, 22, 34, 35-мактаб ва боғча болаларига компьютер, принтер, фалаж болалар боғчаси, ногиронлар уйини таъмирлаш ишларига, кам таъминланган оилаларга яқиндан ёрдам бериб келмоқда. У ҳаф сафарни учун ҳалол меҳнатдан тўллаган пулини ҳам шундай ишларга сарфлаб, элнинг дуосини олган инсон. "Эл назари мен учун олий унвон" дейишнинг ўзи Одинахоннинг олийжаноблигидан дарак бериб турибди.

Мухтор СУЛДИМОНОВ, Кўкон шаҳри

СПОРТ ФЕСТИВАЛИ

Хотин-қизларни жисмоний тарбия ва спортга жалб қилиш борасида Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси сезиларли ишларни амалга оширмоқда. Жумладан, яқинда Олий ва ўрта махсус таъ-

лим вазирлиги билан ҳамкорликда Тошкент шаҳридаги олий таълим муассасалари талаба-қизлари ўртасида "Жисмоний баркамоллик - гўзаллик рамзи" шiori остида спорт фестивали ўтказилди. Фестивалда 1404 нафар қизлар иштирок этиб, спортнинг бир қатор турлари бўйи-

Газетанинг ҳар сонидида 10-бетда ҳажвий суратлар чоп этилади. Ана шу суратлар муаллифи А. Ҳақимов ҳақида билишни истар эдик. Дилдора ҲАСАНОВА, Фаллаорол тумани.

ҲАР ҚАДАМДА МАВЗУ БОР

- Мен 1939 йил Тошкент туманининг Ҳасанбой қишлоғида туғилганман, - дея ўзи ҳақида ҳикоя қила бошлайди Абдурашул Ҳақимов. - Оиламиздагилар, айникса Тўлкин акам "Муштум" журналининг жуда қизиқиб, бирорта ҳам сонини қолдирмай мутулаа қилиб борардилар. Мен эса уларнинг ёнида ўтириб олиб, шу журналдаги расмларга қараб, ўзимча бир нималар чизишга ҳаракат қилардим. Мактабни битиргач, Бенков номидаги расомчилик билим юртида таҳсил олдим. Расомчиликда менинг биринчи муаллимим "Муштум" журнали бўлган. Бу журналда эса, биласиз, фақат ҳажвий суратлар чоп этилади. Қолаверса, карикатуралар ёрдамида ҳаётимизда учраб турадиган, баъзида ўзимиз унчалик ҳам илғамайдиган камчиликлар, муаммоларни кўрсатишга, уларга одамларнинг диққатини жалб этишга, уларнинг ечимини топишга озми-кўлими ҳисса қўшгим келади.

- Расмларингизга мавзуларни қаердан топасиз?


- Кўча-қўйда атрофга разм солиб юрарман, мавзу тўлиб-тошиб ётибди. Масалан, бир куни 85-йўналишдаги автобус ҳайдовчиси йўловчиларга мурожаат қилиб, ҳазил аралаш: "автобусдан тушаётганда картошкаларингизни кўрсатишни унутман", деди ойлик йўл чипталарини назарда тутиб. Шу гап сабаб бўлиб, бир расм чиздим. Автобусда қари отахон халтасидан бир дона картошкани олиб кўрсатиб турибди ва ҳайрон бўлган чиптачига: "Ҳайдовчи болам хавотир олмасин, картошкани бор", деяпти. Шунингдек, газеталарда чиқиб турган долзарб мавзулардаги, мунозарарага чорловчи мақолалар ҳам менга мавзу беради.

- Турли кўргазмаларда ҳам қатнашиб турасизми?

- Мана уч йилдирки, Бадиий академия 1 апрел - кулги куни муносабати билан ҳажвий расмлар кўргазмасини ўтказиб келаяпти. Унда ўз ижод намуналарим билан мунтазам қатнашиб турибман.

- Ҳаётда сизни кўп уйлантирадиган нарсани нима? - саволга тутаман Абдурашул акани.

- Атрофимизда яхши одамлар жуда кўп. Аммо бир муддатлик ҳузур-ҳаловати, нафси учун ўзгаларга озор беришдан, хатто умрга чанг солишдан ҳам қайтмайдиган



Муаллифларимиз

лар-да учраб туради. Уларнинг бу дунёда яшайдан на бир маъни, на бир мантқиқ бор, менимча. Буни мен ўз бошимдан ўтказганман. Кўп йиллар бурун - уйланиб битта фарзандлик бўлган пайтларим эди. Уша пайтлар Қора Қамиш ва Талабалар шаҳарчаси атрофларида янги уйлар қурилаётганди. Кечкурун уйимиздан чиқиб акамникига бориб келмоқчи бўлдим. Йўлда уч-тўртта безори ўқиринлар йўлимни тўсишди. Чўнтагимда атиги 2 сўм бор холос. Улар кўпчилик эди, бас келолмадим, ўласи қилиб дўппослашди. Узоқ вақт касалхонада ётдим. Шу-шу бир кўзим хиралашиб қолди. Ахир одам дунёга яхшиликлар, яхши ишлар қилиш учун келмай-дими?! Қорин тўйдириш учун бир-бирига чанг солиш, ўлдириш ҳайвонларга хос-ку. Уша қийин кунларда оила аъзоларим менга далда, мадад бўлишган.

- Дарвоқе, оилангиз билан ҳам газетхонларни таништирсангиз.

- Турмуш ўртоғим Мухайёхон узоқ йиллар дезинфекция идорасида меҳнат қилди, ҳозир пенсияда. Саидахон исмли кизимиз бор, касби ҳамширалик. 2 ўғил, 1 қизи бор. Мана шу набиралар келишганда хонадонимиз ҳам, кўнглимиз ҳам шодликка, беғуборликка тўлиб кетади. Шулар омон бўлишсин, ишқилиб.

Ўз навбатида биз ҳам Абдурашул акага соғ-омонлик, янги-янги расмлар билан лабларга кулгу, дилларга қувонч улашиб юришларини тиладик. ДАРМОН суҳбатлашди.



БОР БЎЛСИН ҲОМИЙЛАР!

Пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур тумани "Бўстон" маҳалласи диний-маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Мўяссар Зуннунжоновадан ишлари ҳақида сўраганимизда, "Яхшиси, бизга яқиндан ёрдам бераётган ҳомийларимиз ҳақида гапириб бера қолай", дедилар.

- Маҳалламизда 11 нафар ногирон болани рўйхатга олганмиз, - деб гап бошладилар она. - Яқинда икки нафарининг ота-ониси бизга мурожаат этиб, фарзандларининг даволаши учун йўлланма олишда

қўмак беришимизни сўрашди. Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармаси бир болаимизга Семашко номидаги даволаш муассасасига бепул йўлланма берди. Иккинчисига эса худди шундай йўлланмани "Соғлом авлод учун" Халқаро хайрия жамғармаси тақдим этди.

Маҳалламиз худудида 342-сон мактабга тарбия муассасаси жойлашган. У таъмирланаётган бўлиб қолганди. Шу масалаларда "Меҳр нури" жамғармаси бизга ёрдам қилини қўзди. Болалар боғчаси мана шу жамғарманинг молиявий маблағлари ҳисобидан тўлиқ реконструкция қилиниб, замонавий анжомлар билан жиҳозланди. Д. ИБРОҲИМОВ

ча қолиблик учун баҳс олиб боришди. Мўсубақа натижаларига кўра, Тошкент Давлат иқтисодий университетини талабалари сузиш, шахмат ва стол теннисидида, Жисмоний тарбия институти қизлари баскетбол ва енгил атлетикада, Тош ДПУ талаба қизлари эса волейболда

тенгсиз эканликларини исботлашди. Фолибат Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, Маданият ва спорт ишлари, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиқларининг эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Феруза ОРИПОВА.



Шоира Фарида Афрўз билан суҳбат

Оиламиз меҳмони

ТОНГДА ТУРИБ, ҚАЛБИНГНИ СУПУР...

- Фарида опа, келинг, суҳбатимизни оилавий ҳаётингиздан бошласангиз?
- 18 ёшимда кўнгил қўйиб турмушга чиққанман. Онамнинг панд-насихатлари билан турмушда қоқилмадим. Худога шукр, 3 фарзандим, 3 неварам бор. Қизларим Гулбахорхон ва Гулнозахон институтни тугатди. Оилалари, ўзидан тинчиган. Гоҳо қайноналари қизларимни мактагандан бошим кўкка етади. Уғлим Наримонхон эса Енгил саноят ва тўқимачилик институтининг магистратурасида ўқияпти. Болаларим менинг бахтим-саодатимдир.

- Аёл киши жамиятда ўз ўрнини топишга ҳаракат қилса, унга нималар тўққинлик қилиши мумкин?
- Она шер жангга кирса, ё ўлдирар, ё ўзи ўлар экан. Аёл нимагадир шахд қилибдики, албатта мақсадига етади. Аммо мақсаднинг қандай эканлиги жамият учун жуда катта аҳамиятга эга. Мен жамиятда ҳам ўз ўрнини топган, оиласини ҳам гулдай яшнатган жуда кўп аёлларни танишиман. Уларга мудом бардош, ирода, ишонч йўлдошдир.
- Аёлинг тақдирини унинг гўзаллиги ёки қалби нечоғлик аҳамиятга эга?
- Аёл ўзи асли камни тўлдирувчи, синикни бутунловчидир. Чунки, Одам Ато қалбини ишққа тўлдирган ҳам Момо Ҳаво эмасми?! Рўзгорда эр киши андак оқсоқландими, ялқовландими, ўз ўрнини йўқотиб қўяди. Оиланинг устунини эркак, чироғи эса аёл. Устуннинг вазифасини чирок, чирокнинг вазифасини устун бажара олмаслиги каби ҳамма ўз ўрнида тургани маъқул.
- Ҳар бир инсоннинг унутилмас қувончли ва қайғули кунлари, лаҳзалари бўлади...
- Қизим Гулбахор туғилиб, оналик бахтига мўъассар бўлган

Шеърингни ўқиб берасан.
- Э, воҳ, қандай кунга қолдим? - танаффусда Соҳида-ни қойиб бошладим. - Нега мени айтдинг? Ахир, шеър қандай ёзилганини ҳам билмайман-ку! - Биласан, анов кун ашуланнинг сўзлари эсимиздан қиқиб қолганда ўзинг тўқиб айтдинг-ку!
- Вой, аҳмоқ, вой, тентак. Энди нима қиламан? Қандай мен ёзолмадим, дейман. Йўқ, кўрқаман.
Уйга зўрга етиб олдим. Ҳолим йўқ. Елкамдаги юк борган сари эзиб, хасга айлантириб юбормоқда эди. Ноилож дардимни опамга айтдим. Махсуда опам мендан уч синф юқори ўқир эдилар.
- Опой ёз, деган бўлсалар ёзасан-да, бўлмаса ўласан!
Фигоним фалакка ўрлаётганини кўрган опам шеърнинг қонун-қоидаларини: қофия, санок, туроқларни ўргатдилар. Навоийнинг ҳаёти ва ижодига доир китобларни бердилар. Ҳаммаси билан танишиб чиқдим, аммо ёзолмадим. Тўртликлардан ёд олдим, ёзолмадим. Кечаси билан ухлолмай чиқдим. Ахир, эртага адабиёт дарсимиз бор, йиғладим...
Бирданига тонга яқин юрагим алланечук бўлди, кўз ўнгим ёруғлашиб, дунё катталашиб кетди. Кимдир кулогимга нималарнидир пичирлаётгандай бўлди. ЁЗДИМ!
Шу кундан бошлаб жуда машхур бўлиб кетдим, албатта мактабимизда. Қараб-сизки, ҳар бир тадбирда Фарида шеър ўқиб турибди-да.
Хуллас, кўрққанимдан-шеър ёза бошладим.
Ҳозир ҳам кўрқаман. Энди муаллимдан эмас, ёзолмай қолишдан кўрқаман.

дамларимни ҳаётимдаги энг қувончли лаҳзалар деб ҳисоблайман. Фарзандларимнинг соғ-омонлиги, баркамол ўсиб-улғайганлигининг ўзи мен учун бир олам қувонч. Яна шундай шодумон дамларимдан бири биринчи китобим - "Қирққокиллигим"ни қўлимга олган лаҳза ва яна шеъримни илк қўшиқ бўлиб, Замира Суёнова ижросида эшитган куним... Энг қайғулиси эса, ота-онамдан жудо бўлган кунларим. Уларни Худо раҳмат қилсин, илоё!
- Муаммонинг ечимини топа олмай, тушқунликка тушиб қолганингизда кимга ва нимага суянасиз?
- Мен учун бу ҳолат икки хил йўл билан ўз ечимини топади. Биринчиси, ҳақиқий муаммо, яъни ечмасанг бўлмайдинг. Бундай ҳолатда мен муаммонинг ўзагига, яъни қаердан келиб чиққанлигига эътиборимни қаратаман. Ана ўшанда ҳеч кимга ва ҳеч нарсага суянайман, ўзим бажараман. Фақат ва яна фақат ўзимга суянаман. Иккинчиси эса, муаммога ўхшаб туюладиган масалалар. Унга менинг ўзимга хос қарорим бор:
Кел, шу тугунни ечмайлик, тугунлигини қийнаган тугунни!
дейман-да, қўлимни силтаб кетаман.
- Қайси бир шоир қайғудан, яна бири шодликдан илҳомланади. Сиз нимадан илҳом оласиз?
- Мени тушунган одамлардан. Қавмим бўлмиш шоир дўстларимнинг суҳбатларидан.

- Унда-бунда кулогимизга чалинадики, шоирлар муҳаббат бобида беқарор бўлишади деб. Лекин шоирлар ҳақида бундай фикр йўқ, ҳисоби. Бунинг сабаби нима деб ўйлайсиз?
- Нафақат шоирлар, умуман ижод аҳли ҳақидаги қадимий ва мангу маломат бу. Тўғри, уларнинг тез-тез севиб қолишлари ҳам, жуда тез айрилиб кетишлари ҳам рост. Чунки, улар кўнгил одамларидилар. Қанийди, ҳамма ҳам улардай сева, шундай тоза ва шундай бетаъма. Лекин уларни асло "хотинбоз"ликда ва айниқса, "эрвот"ликда айблаб бўлмайди. Шоирларга келсак, улар бир қўлида қалам, бир қўлида бешик, бир елкасида рўзгор, бир елкасида эса ориятини кўтариб юришибди.
- Энг катта хато нима?
- Ҳатони тўзатмаслик!
- Келгусидаги режаларингиз ва газетамиз мухлисларига тилакларингиз?
- Олис қишлоқларимизда қанчадан-қанча истеъдодли ёшларимиз бирон бир мактабсиз, етарлича шарт-шароитсиз ўзларича ижод қилишмоқда. Уларнинг иқтидорини юзага чиқариш учун эътибор, айниқса рағбат керак. Шу боис ўзимнинг "Афрўз Рекордс" овоз ёзиш студиясини очдим. Мақсадим истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш. Газета мухлисларига яхшилик, меҳр-муҳаббат, ҳар ишда собиллик тилайман.
Малоҳат МҲМИНОВА
суҳбатлашди.

- Фарида опа, биринчи шеърингиз қандай ёзилган? - деган саволимга жавобан шоира: «Шуни ўқисангиз, ҳаммасини билиб оласиз», - дея китобларида чоп этилган ҳикояни кўрсатдилар.

БИРИНЧИ ШЕЪРИМ

Биринчи марта шеър ёзишим қизиқ бўлган. Бундан 30 йил аввал, яъни 5-синфга ўтганимизда Олияхон Иброҳимова деган бир қаттиққўл ўқитувчи она тили ва адабиёт фанидан дарс бера бошладилар. У кишидан шу қадар ҳайқар эдикки, мабодо ручкамиз тушиб кетса ҳам ололмай жим ўтирардик. Синфхонада чивин учса эшитиларди. Лекин машгулотни мазмунли олиб борардилар. Гўё шундоқ кулогингга қўйиб қўйгандай. Муаллимлик салоҳияти юксак, жуда чуқур билим эгаси эдилар. Сочлари узун, оппоқ, дид билан кийинадиган бу гўзал аёл бир умр хотирамга муҳрланди қолди. Оллоҳ ўз раҳматига олган бўлсин. Хуллас, билим, латофат, ғоят жиддий сиймо қаршисида ҳаяжонланиб қолдик. Олияхон опа туфайли мактабимиздан жуда кўп адабиётчилар, журналистлар етишиб чиқди. Кейинчалик ўзим мактабда дарс бера бошлаганимда англадимки, билимни нафақат кулогимга, балки юрагимга ҳам қуйган эканлар. Ўз фаолиятимда устозимнинг дарс услуб-

ларига таяндим. Биз у кишини "Олияхон опой" дердик. "Опой" дегани муаллима, мураббий дегандай гап.
Бир кун опой дарсга қириққў саломлашдиларда, «ораларингизда ким шеър ёза олади?» - деб сўрадилар.
Ҳаммамиз бир зум лол бўлиб қолдик. Чунки ҳали шеър ёзиш у ёқда турсин, ҳатто у ҳақидаги тушунчага ҳам эга эмас эдик. Опой қайта сўрадилар. Шунда дугонама Соҳида: «Фарида!» - деди. Бошқалар ҳам "ҳа", "ҳа" деб қўшилишди. Бошимдан бир пақир совуқ сув куйилгандек, "Нега мен?" дейман титраб. Опой менга "ял" этиб қарадилар.
- Сен шеър ёзасанми, вой, доно қизим-ей! - дедилар қулиб.
Биз биринчи марта бу аёлинг гўзал кулгуси, кўзларининг порлашини кўриб қайтон қолдик. Умримнинг охиригача ўша кунни унутолмасам керак.
- Янаги дарсга шеър ёзиб келасан. Яқинда мактабимизда ҳазрат Навоийга бағишлаб "Шеъринг кечаси" ўтказмоқчимиз. Чархий домла бошлиқ Кўконнинг катта-катта шоирлари келишади.

Училиқлар
Сени излаб,
У дунёга
Бориб келдим.
Аждарнинг кўксига бош қўйиб,
Капалак ҳақида
Ўйлайди аёл.
Эркаклар боладирлар,
Чунки улар
Тугмадилар, тугилдилар, ҳоло.
Пулимни қизгангандек,
Вақтимни
Қизганолмадим.
Тош шаҳар, ўн иккинчи қават,
Бир кавоқда қимварлиқ чумоли...
Менга ўхшаб.
Бугун оламшумул бир
Ходиса бўлди -
Кўнглим хотиржам...
Афсус...
Кўп нарсани билган одам,
Яшашни билмас экан.
Сен менга ҳеч дўст бўлмайсан,
Айт-чи, қачон, қандай чумоли
Кўтаролган филнинг юқини.
Отам-сабр, тоғамдир-меҳр
Акам-қалқон, шим-теширмон,
Менинг эса бошим-палаҳмон.
Ёдга тушса онам алласи,
Рухим учар ариш-ағлога,
Вужуд қолар ерда судралиб.
Қўлингизни бер,
Кафтингиздан тутай,
Бармоғингиз ўнай,
Бир ҳовуч сувман, кафтингизда,
Тўқиб юборсангиз...
Тўқиман!
Ярим тунда уйғондим чўчиб,
Ушлаб олдим ярим умримни,
Шугинами, Умрингиз Ярми?!

Бир думалаб бола бўлсайдим,
Худо раҳмат отам, онамнинг
Бир бора қўлига сув қуяр эдим.
Хафа бўлма, ахир Одамзод,
Бино бўлган асли ботқоқдан.
У ҳам битта қурбақа ҳоло.
Сичқон-ку, нинга сизмайдми, апақ,
Қизиқ, унга алавер не керак!?
Наҳот, элаб ёйди, ҳаром донави.
Дўстни фақат ўзинг топасан,
Душман эса яша келади.
Икковисиз яшиб ҳам бўлмас.
Эй, подон,
Боланг айтганингни эмас,
Қилганингни қилади...

Кимдир сени айбат қилмоқда,
Яна кимдир мактайдми чунон.
Демак, сира ёлғиз эмассан.
Аёл уч нарсасиз янаи олмайди:
Фарзанд, меҳр
Ва яна кўзгу...
Зўр олим бўлдим-да!
Хўп ўқидим, ўргандим, уқдим -
Сени унутмоқлик илмини.
Дилимни оғритдинг,
Босиб олдинг яримни -
Бемаврид кулгу.
Шамолда тебранар, ҳорғин,
Пишаётган анор -
Ҳошладор аёл.
Ҳар тонг туриб,
Қалбингни супур, сув сев,
Сўйим қил -Аллоҳнинг уйини.
Фарида АФРЎЗ



ЭГИЗАКЛАРИМ БИРГА ҲАМ ҲАМ...

- Тахририятга бир муаммо юзасидан ечим излаб ишдан ярим соатга жавоб сўраб келдим. Кўнғироқ ҳам қилмоқчи бўлдим, аммо ёнма-ён ўтириб суҳбатлашган яхшироқмикан, деб ўйладим. - деди ўзини Гулзор деб таништираган замонавий кўринишдаги аёл.

- **Бизга ишониб келган экансиз, имкон етса ёрдамлашармиз, ёки бирор чорасини излаб кўрармиз...**

- Чилонзордаги 20-мавзеда яшаймиш. Уч хонали уйимиз ҳарбий хизматчи бўлган отамдан онам иккимизга қолган. Отам ўн йил бурун автохалокатда вафот этди. Шундан буён онам иккимиз кун кечириб келамиз. Онам илгари ишламасди. Отамдан сўнг... Мени боқиш ва рўзгорнинг кам-кўстини тўлдириш учун олиб югуришига, ишга киришига тўғри келди. Бу орада мен мактабни битирдим. Инглиз тилини яхши билганим учун чет тиллар институтига кириб ўқишимни давом эттирдим.

- **Кейин-чи?**

- Институтни тугатиб уйимизнинг ёнгинасидаги хорижий фирмалардан бирига таржимон-менеджер бўлиб ишга кирдим. Энди тоганим онам иккимизни боқишга, онамга яхшироқ совғалар харид қилишга ҳам етарди. Лекин...

- **Бирор кўнғилсизлик бўлдими?**

- Яхши бир йигитга турмушга чиқиб, фарзандлар кўришни истардим. Агар ҳаётимда Муҳаммад пайдо бўлмаганида балки шу бахтга эришардим ҳам. Лекин инсоннинг орзуси ҳамма вақт ҳам амалга ошмас экан-да, - афсусланди аёл.

- **Сиз севган ўша йигитнинг оиласи бор эканми?**

- Йўқ, уйланмаганди. Муҳаммад менга кўп ваъдалар берди. Ишондим. Онам билан ҳам таништирдим. Онам: "Қизимнинг бахти очилди", - дея суюниб, тўй тадоригини кўра бошлади. Бир кун онам холамникига кетганда Муҳаммад бизникида ётиб қолди.

Шундан сўнг бир-икки ой ўтиб ҳомиладор эканлигимни билиб қолдим. Муҳаммад бу гапни эшитиб мендан узоқлаша бошлади. Охири ишдан бўшаб йўқ бўлди-қўйди. Менда унинг ҳатто уй манзили ҳам йўқ эди.

- **Онангизга бу гапни айтгандирсиз?**

- Айтмай иложим йўқ эди. Ахир ундан бошқа ким ҳам менга ёрдам берарди.



ТАШРИФЛАРИНГИЗ...

Онамга болани олдириб ташлашимни айтдим. У йиғлади. Бир кун юрак ютиб гинеколог хузурига бордим. УЗИ қилиб кўрганди, улар эгизак экан. «Улар анча катта бўлиб қолибди, олдирангиз кейин бефарзанд ўтасиз», - дея огоҳландирди қаҳри қаттиқкина шифокор аёл.

Онам ҳам бу ишимга қарши бўлди. "Майли болам, тўй кўрмадим дея афсусланма, куйинма. Насиб бўлса шу болалар орзу-хавас кўрарсан. Балки инсоф бериб отаси ҳам келиб қолар", -

дея кўнғилми кўтарди онам. Вақти келиб болаларим туғилди.

- **Бу ишингиздан афсусланмадингизми?**

- Аслида афсусланиб юргандим. Лекин қўлимга икки нафар дўмбоқина, бир-биридан ширин ўғилчаларимни тутқазишганда шунақа суюндимки! Буни таърифлаб бера олмайман. Онам ҳам қувонарди. Болаларим тўрт ойлик бўлганда ишга чиқиб кетдим. Чунки энди зиммамга жуда кўп вазифалар юкланганини билардим. Болаларимга зарур нарсаларини сотиб олдим. Тинимсиз ишлардим. Онам уларни ўзи ювиб-тараб олиб ўтирарди. Ҳозир улар бир ёшдан ошган. Айни уларнинг туғилган кунда фалокат юз берди. Онам иккита гўдак билан чарчаб, уларнинг ёнида ухлаб қолибди. Дазмол кўйганлиги эсидан ҳам чиқиб кетган экан. Хуллас, катта ёнгин чиқиб уйимиз, жиҳозларимиз куйиб қол бўлди.

- **Болаларингиз ва онангизга зарар етмадими?**

- Онам шўрлик оёқ яланг, битта кўйлақда иккала болаларни қўлга олиб чиқиб қишга улгурибди. Биз шу кунни пастдаги кўшимизникида ётдик. Ҳозир ҳам ўша ерда туриб, уйимизни таъмирляяпмиз.

Лекин бу ҳам етмагандек яна бир воқеа рўй берди.

- **Яна нима бўлди?**

- Онам болаларимни аравачада айлантириб юрса Муҳаммад пайдо бўлиб қолибди. У онам билан бироз гаплашиб, болаларимдан бирини кўлига олибди. Унинг ўзига ўхшашлигидан хурсанд ҳам бўлибди. Шу-шу у келиб бизга тинчлик бермайдиган бўлди. Мен, "Майли, сенга тегаман. Бизни уйингга олиб боришинг

керак. Болаларим отасиз ўсишини истайман. Шулар учун сени кечираман", - дедим.

- **У кўндими?**

- Энцисоти. Ўйлаб кўришга, опаси бор экан, шу билан гаплашиб кўришга ваъда берди. Мен унга ишонмасам-да, болаларимнинг отаси-ку, - деб ўйлаб рози бўлдим. Бир кун болаларимдан бирини аравачада айлантириб келиш учун онамнинг розилигини олибди. Шундан сўнг боламини олиб кетиб қолибди.

- **Буни ўзи айтдими?**

- Ха, кўнғироқ қилибди. Онам йиғлаб хун бўлди. "Бу бола меники, онамнинг боласи йўқ. У сизлардан кўра яхшироқ тарбиялади. Иккинчиси эса сизларга қолади", - дебди. Мен бир-икки марта уни инсофга келтиришга уриниб кўрдим. Телефон-автоматдан кўнғироқ қилади-ю, ўзининг қаердалигини айтмайди. Мен дардимни кимга айтишни билмайман. У баъзан кўнғироқ қилиб иккинчи боламининг соғлигини ҳам суриштиради. Отаси эканлигини пеш қилади. Бир қарорга келиб, кўчиб кетай десам...

- **Нега шундай қила қолмайсиз?**

- Унда эрим олиб кетган боламининг изини йўқотаман-да. Чунки бу манзилимиз ва телефон рақамимизни у билади. Агар кетиб қолса... Алоқамиз бутунлай узилиши мумкин. Шунга нима қилишни билмаяпман. Мен эгизак болаларимнинг бирга ўсиб улгайишларини жудаям истайман. Аммо бу истигим армон бўлиб дилимда қолиб кетса-чи, деб кўрқаяпман. Болам бағримга қайтиши учун нима қилсам экан?

- **Гулзор! Чиндан Муҳаммад номардлик қилибди. Аммо ҳамма нарсанинг чораси бор. Сиз ички ишлар идорасига ариза билан мурожаат этинг. Дарровгина Муҳаммаднинг ҳам, фарзандингизни ҳам топиб беришади. Ундан кейинги ҳаётингизни қандай ўтказасиз, яна ўзингиз ҳал қилиб оларсиз...**

ГУЛБАШАКАР

ЎТТИЗ ЙИЛДАН СЎНГ...

- Нима қилиб кўйганимни ўзим билмаяпман. Қариганимда ноҳўя иш қилмадиммикан?, - дея ўйланиброқ сўзлади қаршимда ўтирган аёл.

- **Авал ўзингизни таништирай, кейин бафуржа гаплашармиз, - дедим мен.**

- Келинг, исмиمنى айтмай гапирарай. Мен ҳам ёш бўлганман, орзулаб турмуш кўрганман. Келин бўлиб тушган хонадонимда қайнота-қайнонам, икки қайиним, бир қайинсинглим билан яшардик. Мен ўшанда олиёғоҳда учинчи курсда ўқир, хўжайиним заводда ишларди. Келин бўлганимнинг тўртинчи ойида қайнонам уй юмушларига улгурмаётганимни рўқач қилиб ўқишга юбормай қўйди. Бир йилдан кейин қизли бўлдик, энди ишим кўпайгандан-кўпайди. Мол-ҳол, шунча одамнинг ош-овқати, кир-чири.

- **Уй ишларида қайнонагиз кўмаклашмасиди, қайинсинглим бор эди, дедингиз.**

- У вақтларда бирор ёрдам бериш-бермаслиги ҳақида гап бўлмасди. Келинсанми ҳаммасига улгуришинг керак эди. Яқинларининг олдида ҳатто эрим билан суҳбатлаша олмадим. У ҳам, мен ҳам боламининг эркалатиб гапиролмасдик. Қайинсинглим битта қиз бўлга-

ни учун жуда арзанда эди. Ҳеч ким унга иш буюрмас, қаттиқ гапирмасди. Аслида турмушимиз бузилишига ҳам ўша сабабчи бўлган.

- **Демак ажрашиб кетибсизда?**

- Ха, агар ажрашишимни билганимда ўша пайтда ўқишимни ташламаган бўлардим. Кейин ёлғиз ўзим бола боқишим қийин бўлди.

- **Турмуш ўртоғингиз бошқа оила кўрдими?**

- Биз бор-йўғи тўрт йил яшадик. Бошида хўжайиним мени унчалик эркалатмас-да, ҳартугул, қайнонам ёки қайинсинглим ноҳақ уришишса, баъзан-баъзан тарафимни олиб турарди. Кейин-кейин бундай можароларга бунунлай лоқайд бўлиб қолди. Энди «ўшанда балки иссиқ-совуқ деган нарсалар бўлганми», деб ўйлаб қоламан.

Хуллас, эрим уйига қайта қадам босмаслигини таъкидлаб мени ўз ота уйимга ташлаб кетди. Ушанда менинг ҳам ҳуқуқим- ҳаққим



Кўнғироқларингиз...

борлигини «чўқур анламас эканман. Орадан бироз фурсат ўтиб эримни уйланди, деб эшитдик. Ўша кун онам эримни қаради: "Боламини бахтсиз қилган боланг чимилдиқ кўрмасин", - дея.

- **Бошқа турмуш кўрмадингизми?**

- Ушандан кейин анчагача ўзимга келолмадим. Ўзимни эплаб, ўтмишим эсимдан чиққанда эса қизим каттагина бўлиб қолганди. Кейин қизимни ўйлаб беғона эркака ишонмадим. Ўқитдим, турмушга чиқардим. Бу ёғи неваралар, дегандай. Хўжайинимнинг синглиси икки марта турмушга чиқди, аммо бахти бўлмади шеккили ота уйида яшайпти. Қизимнинг отаси уйлангандан кейин бошқа ёққа кўчиб кетди. Биз унинг фарзандсиз ўтаётганини эшитардик.

- **Опа, суҳбатимиз бошида бир иш қилдим, энди ўйланаяпман, дегандингиз?**

- Мана энди айтаман, чунки бутун умримни сизга гапириб бермасам тушунмасдингиз. Ўша бундан ўттиз йил олдин турмуш кўрган инсон билан яна учрашдик. Яқинда у мени излаб топибди. Биз яна қайта турмуш кўрмоқчимиз.

- **Турмуш ўртоғи-чи?**

- Хотини оламдан ўтибди, ёлғиз ўзи тураркан. Ҳартугул қизимнинг отаси, гарчи бирор марта ҳолидан хабар олмаган бўлса ҳам.

- **Опахон, сир бўлмаса ёшингизни айтсангиз.**

- Эллиқдан ўтиб қолдим. У олтимишга яқинлашган.

- **Тўғри йўл тутибсизлар. Ҳарқалай қарилк гаштларни бирга сурадиган бўлсизлар.**

- Сизга ҳали муаммони айтмадим-ку.

- **Яна қандай муаммо?**

- Биз бирга яшагача келишдик. Бир ҳафтадан кейин "Загс" дан ўтишимиз керак. Унинг тўлови бор экан. Бугун бориш вақтимизни келишиш учун кўнғироқ қилсам, ўша пулни мен тўлашимни сўраяпти. Чунки пули йўқ эмिश. Мен тўлашдан қочмайман, аммо... Ахир никоҳдан кейин яқинларимизни чақириб зиёфат беришдик. Унинг ҳаражатларини ҳам бўйимга олдим. Энди бу тўловни ҳам менга айтгани уят-да. «Ҳозир пулим йўқ эди, кейин берман», дедилар. Гўшақни қўйдиму ўйга ботдим, эртага бутунлай менинг ҳисобимга яшаб қолмасмикан? Балки газета орқали маслаҳат олиб иш кўрганим тузукдир...

- **Албатта, турмушда ҳар нарса бўлиши мумкин. Қани кутайлик-чи, юртдошларимиз нима деб маслаҳат беришаркан.**

Матлуба ШУКУРОВА

Саҳифа Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди гранти доирасида тайёрланди.

ВИЖДОН АМРИГА ҚУЛОҚ ТУТИНГ

Пулнорахон! Аввало отангиз яхши инсон эканликларини айтиб қўйсам. Қайнота-қайнона, А. акангиз ҳам.

Иллат онангизда экан. У киши зиммасидаги масъулиятни ҳис этмайдиларми? Сиз ифатингизни йўқотиб келиб, гуноҳор сифатида йиглаб-йиглаб воқеани айтиб берганингизда қойиш, танбех бериш, ёлғондакам бўлса ҳам уйдан қувиб солиш ўрнига: "Қизим, даданг билмасин. Кеча сени сураганим, дугонасиникига кетган, деб айтдим. Хафа бўлма, қизим, тўйдан олдин сени аёллар шифокорига олиб бориб, қиз болага айлантириб келаман", дебди. Сиз ишонмагач онангиз: "Вой, нодон, нега ишонмайсан? Ахир бир неча қизларни, ҳаттоки холангни ҳам тўйдан олдин ҳақиқий қиз болага айлантирган эдим. Баъзи дўхтирларга пул бўлса эллика кирган аёлни ҳам... Эркаларга яхши гапириб кўнглини олсанг бўлган. Шунча йигитлар билмаганини сенинг қувинг билармиди? Аҳмоқ!" - дея уришиб берганлар. Худди ўзлари айтгандай сизни "қиз бола" қилиб, А. акангизнинг қўлига тикқанлар. Бу гуноҳ устига гуноҳ орттириш эмасми?

Никоҳгача қиз ҳам, йигит ҳам сабр қилиши лозим. Барибир севаман, бирга яшайман, бир-биримизникимиз, деган фикр билан никоҳгача ихтиёрини бир-бирга топширсалар энг катта хатога йўл қўйилган бўлади. Мана бир мисол.

Жобир Ҳафизани севарди. Аммо онаси "Ҳафизани келин қилмайман", деб туриб олди. Жобир ҳам севгисидан воз кечмади. Бир куни қизни эргаштириб келиб: "Она, бунга қаранг. Қандай қироили. Сизни хурмат қилади, ҳамма айтганингизни бажаради. Фақат шу қизга уйланман", - деди.

- Яхши, - деди онаси, - менинг ҳамма айтганимни қилса, хурматласа, ҳозирок буйругимни бажарсин.

- Хўп, хўп, онажон! Хизматингизни айтинг, - деди ўғил. - Киришлар ичкарига. Ҳозирок номусини сенга топшир-

син, - амирона буюрди она. - Сўнг албатта сенга олиб бераман.

Жобир севганига уйланди. Мақсадига эришди. Фақат энг ёмони қизлари бўй етиб турмушга чиқётганда онаси қилган иш тақрорланди. Хулоса шуки, қанақа уруғ эксанг, ўшанга хос мева етиларкан.

Жобирнинг онаси никоҳгача Ҳафизанинг номусини муҳофаза қилиш ўрнига углига буздирди. Сизнинг онангиз эса бузилган номусни ўзича "бутун" қилиб, А.нинг қўлини бўяди. Ёмонликнинг, масъулиятсизликнинг ҳолатлари, қилиқлари, рангларини кўраясизми?

Поклик иймондандир, дейилади Ҳадиси Шарифда. Демак, нопоклик Яратувчига ёқмайди. Шунинг учун ҳам ичиб олиб, сирингизни ўз тилингиз билан ошкор этдингиз. А. акангиз кўнглида барибир қандайдир гашлик, қоникмаслик бўлган. Бўлмаса, гапларингизни магнитофон тасмасига ёзиб олмасди. Йигит ориятли, гурури экан. Бирдан сизни болаларингиз билан ҳайдаб қиз болага уйланибди. Аммо фарзанд кўрмабди. Бу келиннинг тарбияси бўшми, қайнота-қайнонани хурмат қилмабди. А. акангизнинг боши жанжалдан чикмабди. Охири гуноҳларингизни кечириб, фарзандларини соғиниб, сиз билан яшашга қарор қилибди. Раҳмат шу йигитга. Чунки сизда ўша йигит ёқтирадиган яхши фазилатлар бор экан.


Мана, турмуш ўртоғингиз билан учрадингиз. Бир-бирларингизни кечирдингиз. Барибир сизни виждон азоби қийнамоқда. Юрагингиз санчадиган бўлиб қолган. Шифохонада даволанаяпсиз. Ота-она, қайнота-қайнона атрофингизда парвона.

Худди шу пайтда синфдошингиз Н.нинг пайдо бўлиши сизни яна аро йўлга солиб қўймоқда. Унда масъулият йўқку. У ҳақиқий йигит бўлса номус ўғрисига айланмаган бўларди. У ҳам ўзича ҳақ. Шу йўл билан мақсадига эришмоқчи бўлган. Воқеани эшитган онангиз отангизга тушунтириб, А.нинг совчиларини қайтариб,

"Сирини ошкор қилгандим...", 28-сон

ЭСЛАТМА: Тўйга бир неча кун қолганда синфдошим Н. аллаб, номусимга тегили. Икки фарзандли бўлганимизда бу сирни эримга айтиб қўйдим ва ажрашдик. Энди эса у яна мен билан ярашмоқчи. Бу ёқда эса Н. ҳам менга уйланиш ниятда. Қандай ўй тутсам экан?

Муаллиф: С. Назарова



Акселло

Н.га узатишганда ўринли бўларди. Н. ҳам уйланиб, ажрашибди. Энди ки мен билан яшаса ҳам унга фарқи йўқ. Яна сизга харидор бўлмоқда. Сиз эса икки боланинг онаси, А. кечириб сизни олиб кетаман, деб турганда аросатда қолаяпсиз. Турмуш ўртоғим билан яшайми, ё икки боламини ёлғиз тарбиялайми, ёки синфдошим Н.га турмушга чиқайми? - дейсиз. Йўлингизни йўқотманг. Болаларингизнинг отаси билан яшанг. А. ва ота-онаси яхши инсонлар экан. Бундай кечирингли инсонни тополмайсиз. Н.га турмушга чиқсангиз маломатга қоласиз. У: "Мен сени ўзимники қилганим. Сабр қилмадинг. А.га тегиб кетдинг", деб ўзингизга солавереди. Бу тазналар сизни яна эзади. Ҳаммасини орда қолдириш, унутиш, фақат олға интилиш лозим.

Мўмин ХОЛМУРОДОВ,
Қарши шаҳри

Пулнора опа! Одамзод қийналганида нима қиларини билмай қоларкан. Сиз шунча йил бирга турмуш қуриб, севиб-севилиб яшаган оилангизга қайтинг, шунда ҳаммаси яхши бўлади. Ўзингизга ҳам, А. акангизга ҳам, болаларингизга ҳам. Чунки болаларингизнинг отаси А. ака-ку! Тўғри, Н сиздан кечирим сўраган, сиз уни кечиринг, кечирманг демайман. Лекин вақтида у сизга ёмонлик қилган, йўлингизни тўсган, шунча виждон азобида қийналишингизга сабабчи бўлган-ку, ахир! Энди келиб-келиб шундай нотавон, аҳмоқ, номард инсонга турмушга чиқасизми? Уйлаб иш қилинг. Ҳеч қачон Н.га турмушга чиқманг. Кечирим сўраган бўлса, ўзининг қилган гуноҳи учун кечирим сўраган. Сизни қайнона-қайнотангиз шунчалик яхши қўриб, хурмат қилиб, ўғил билан бирга яшашларингизни хохлаб, овора-ю сарсон бўлиб юрсалару, сиз уларнинг юзи-

га оёқ қўйиб, Н.га турмушга чиқсангиз, кейин яна виждонингиз қийналмайди?

Дил изҳорингизни ўқиб, жуда ҳам хафа бўлдим. Тўйингиз бўлишини била туриб, синфдошингиз Н. билан учрашувга боришингиз бу бемаънилик-ку. Иккинчидан, эрингизнинг пушт камаридан бўлган болаларни у бетамизга ишониб, "унга тегаман" деганингиз, бу, ўзбекчиликка ярашмайди.

Сизни яхши кўраман деб, номингизни бўлган инсоннинг номини ҳатто тилингизга олмай, уйлаб иш қилинг. Севган йигит севгилисига озор етказмайди. Уни асло хафа қилмайди, хурматини жойига қўяди. У бетамизнинг севгиси сизни хўрлаш, обрўингизни тўқшидир.

Виждон азобида чидаб, эрингиз билан ярашинг. Болаларни бирга тарбияланг.

Шуни ҳам уйлаб кўрдингизми? Агар А. акангиз билан ҳам яшайми, ёлғиз болаларингиз билан яшамоқчи бўлсангиз, уларни тирик етим қилган бўлмайсизми, ахир?! Наҳотки, фақат ўзингизни уйлсангиз? Ҳеч бўлмаса қайнона-қайнотангизнинг ҳаққихурмати А. акангиз билан яшанг. А. акангиз ҳам сизлардан кечирим сўраган-ку. Болаларингизнинг бошини силаб, бағрига босиб, уйга олиб кетибди-ку. Энди ҳеч қачон ортага қайтманг, фақат олдинга интилиб яшанг. Шундагина бахтингиз бекаму кўст бўлади. Тўғри, вақтида виждонингиз қийналган бўлса, бу сизнинг айбингиз эмас, алданиб қолганингиздандир. Ким билади, агар ўша пайтда онангиз йўлини қилмаганида сизнинг ҳаётингиз қандай кечган бўларди? Шунинг учун А. акангиз сизни кечирганига, сиз билан бирга яшамоқчи бўлганига Худого шукроналар айтиб, оилангизга қайтинг. Қайнона-қайнотангизга ҳам раҳмат айтинг ва бир умр бахтли яшанг. Ҳеч қачон юрак дардингиз сизни безовта қилмасин.

Муқаддасхон ХУШВАҚТОВА,
Самарқанд вилояти,
Нуробод тумани,
Маданият маҳалласи.

Эрингиз мард йигит экан, чунки у ўз фарзандларни учун сизнинг гуноҳингизни кечириб, ярашмоқчи. Бу жуда тўғри йўл. Отасини болаларга, болаларни отасига зор қилманг. Ҳалолу покиза эрингиз билан яхши муомала қилинг. Унинг хурматини жойига қўйиб, аввалгидан ҳам зиёдорқ иззат қилинг. Токи болаларингиз улгайгач сиздан иззат қилиш ва хурматлашни ўргансин.

Қизим, яна сиздан илтимосим-шундай ашангики, сизларни кўрган киши ҳавас қилсин. Қайнота-қайнонанингизнинг дуосини олиб қўша-қаринг.

Назиражон ая МУХТОРОВА,
Бухоро вилояти,
Бухоро шаҳри.

Дардли мактубингизни ўқиб, узоқ хаёлга толдим. Ёшим 20 да. Турмушга чиқмаганман. Сизга насихат ҳам қилмоқчи эмасман. Илтимосим, турмуш ўртоғингиз билан ярашинг. Чунки, бундай бахт инсонга бир мартаба берилди. Севгингизни хор қилманг. Синфдошингиз эса сизни ҳеч қачон севмаган. Агар у сизни севганида эди, ишончингизни қозонарди. Синфдошингиз номусингизга тегиб, осонгина сизга уйланмоқчи бўлган. У ҳеч қачон болаларингизга оталик қилолмайди. Турмуш ўртоғингиз ва қайнона-қайнотангиз сизни кечиршининг ўзи катта бахт эмасми?

Гулнора опа, бахтингизни қайтаргани учун Оллоҳга шукр қилинг-да, уйингизга қайтинг. Чунки, ҳар бир фарзанд учун ота меҳри жуда ҳам керак. Сизнинг ҳаётингиз эса қувчилик қизларга ибрат бўлади.

Гўзал МУСТАФОЕВА,
Самарқанд вилояти,
Нарпай тумани.

Мен ота тарбиясини олмасдан катта бўлганман. Чунки, 6 ойлик чақалоқ пайтида отам иккинчи жаҳон урушига кетиб қайтиб келмаган. Азиз онажоним умрининг охиригача турмуш ўртоғининг келишини кутиб, мени тарбиялаб бошқа оила кўрмаган. Қийналиб бўлса ҳам мени ўқитди, олий маълумотли бўлдим. Ҳозир 8 фарзандим 6 ўғил, 2 қизим уйли-жойли, 28 неварам бор. Умрим давомида не-не қийинчилик ва очарчиликларга гувоҳ бўлдим. Заҳматкаш халқимиз ориятли, мард, маънавияти баланд эканлигидан ҳамиша гурурланаман. Лекин шу тўқин замонамизда баъзи ота-оналар ёш қизлар тарбиясига эътиборли эмасликлари иш фаложият давомида дуч келмоқдаман. Мен "Оила ва жамият" рўномасини узлуқсиз ўқиб бораман. Гулнорага ўхшаш енгилтак, ўз номусини сақломайдиган қиз-жувонларга нафрат билан қарайман. Куёв тараф не-не орзулар билан қўша-қўша сарполар, тўй-

харажатлари қилиб уйлансаю, қиз бола ўз айбини бўйига олмасдан, шу оилага оқ қўйлақ кийиб келин бўлиб борса...

Менинг ён қўшим катта харажат қилиб қўшни қишлоқдан келин қилди. Тўй-томоша дабдабали, машхур саянаткорлар билан ўтди. Эртаси куни куёв келиннинг ота-онасини қақриб унинг ор-номуси топталганини исботлаб берди. Ота-она ер ёрилмади, ерга кириб кетса, Ушандан буён келиннинг ота-онаси қишлоқнинг маъракалари га аралаша олмай қолди. Гулнора синглим, наҳотки сиз кейинги ҳаётингизга бефарқ қараб Н. исмли синфдошингиз билан алоқада бўлдингиз? Қиз боланинг гўзаллиги, оқиллиги нима билан белгиланади ахир?

Яхшиямки, сизни шунча орзу-ҳаваслар билан келин қилган куёв айбингизни ёпибди. Уртада икки фарзанд бўлибди, яхши оила қурибсизлар. Сизни қаранг, уялмасдан Н. синфдошим менга уйланиш ниятида, дебсиз.

Шу синфдошингиз икки фарзандингизга ота бўла оладими? Агар бўлганда ҳам у ўғай ота-ку. Фарзандларингиз катта бўлганда албатта сиздан юз ўгиради. Бундай воқеаларнинг қўлларини мен ўз тажрибамдан кўрганман. Сизга ўхшаган ота-онанинг юзини ерга қаратадиган ноқобил фарзандлар орамызда бўлмаслиги керак.

Ҳозирги кунларда тинчлик, осойишталик, егулик, ичкилик қўйингки инсон учун барча шароитлар яратилган.

Қимматчилик, бир бурда нон топиш қийин бўлган уруш йилларида қизларимиз ўз ор-номусини, ифатини кўз қароғидай сақлаган. Наҳотки, хозирги баъзи бир ёш қизларимиз ўз ҳаётини, келажагини уйламаса...

Ҳиммат ХУЖМАТОВ,
Самарқанд вилояти,
Ургут тумани,
Сарипента маҳалласи
Фукаралар йигини раиси.

ТАБРИКЛАЙМИЗ

Азиз ва асал қизим ҒИЛОЙБОНУ!
Таваллауд кунинг муборак бўлсин!
Сенга узоқ умр, бахт-саодат, ишларингда муваффақиятлар тилайман.
Дунёдаги энг эзгу тилаклар билан бирга, чексиз оталик меҳримни ҳаля этман. Ҳамиша соғ ва барно қиз бўлиб юрғин!

Оила аъзоларинг номидан отажазинг Ёқубжон.

ОЛМАГУЛ она!
Байрамиңиз билан табриклайман. Узоқ умр, бахту саодат тилайман. Келгусида мартабангиз янада баланд бўлишини чин қалбимдан тилайман.
Ўқувчингиз Гулбаҳор Мирзабекова.



Бўқокни янги услубда даволаш-натижаси "Светлформ"
Витилиго оқ доғларни йўқотамиз. Натижалари. "Антиокс"
Гижжа, лямблия муаммоси. Янги усулда даволаш. Натижалари. "Детокс"
ТЕЛ: 317-81-15. Раъно ШОКИРОВА
МАҲСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН

Муддатли оч қолдириб даволаш усули сизни безовта қилаётган барча суррункали касалликлардан бутунлай халос этади: гипертония, астма, артрит, диабет, ошқозон яраси, аденома, миома, фибриома, алкоголизм, невроз, псориаз, экзема, аллергия, семизлик ва озгинлик.
Мурожаат учун ТЕЛЕФОН: 112-12-86

Юнусобод тумани, Ж.Обидова кўчасидаги (марказий кўча) қурилиши тугалланмаган 4,80 сотихли бино (15 миллион сўм) **СОТИЛАДИ.**
ТЕЛ: 112-57-88, 112-19-87

Турк модели индивидуал дизайни усулида замонавий "Элита" усулида пардалар ва чойшаблар тикамиз, карнизлар ўрнатамиз. **Тел: 112-12-86**

Гижжа, лямблия, оқ доғлар натижалари "Детокс"
Ошқозон ва 12 бармоқ яраси натижалари "Л.Сеньор"
Катталар ва болаларда сийғоқлик (Энурез) "Пакс"
ТЕЛ: 317-50-15 Хуршида ХОЛМАТОВА
МАҲСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН

ЖўНАТИЛМАГАН МАКТУБ

Мен бу мактубни ҳар куни такрор ва такрор битаверман, фақат қалб дафтарида. Баъзан сўроларим ўз юрагимни неларга кўмиб ташлайди. Эсингиздами, акажон, сизнинг бир опичлашингиз учун гир айрилиб рақсга тушишдан ҳеч толмасдим. Ҳарбий хизматга кетганингизда ҳам энг кўп хат ёзган мен эдим. Талабали яна сизни олис шаҳарга олиб кетди. Билсангиз эди, акажон, битта кир кўйлагингизни соғинганимда хидлаш учун атайлаб олиб кўярдим... Болаликнинг хушвақт кунлари барибир мени ташлаб кетган экан... Уйландингизу бошқача одамга айлиниб қолдингиз... Ушанда тўйдан бир неча кун аввал иккаламиз ёлғиз қолдик. Акажон, бугун бир уйда ухлай қолайлик, дедим ийманингизга ўша болалик кунларини кўмсаб. Топилганмикансиз тезда уйкуга кетдингиз. Мен эса акажон, отаникига ўхшаган сочларингизни алламаҳалгача силаб, хаёл суриб ётдим. Қанча ухлабман билмайман, тушларимга ўша тугзор дала... сув ёқалаб ҳар эрта баҳор менга кўзгадоқлар териб келаётган ўша сиз қайта-қайта киравердингиз. Сиз доим шовиб юрдингиз, мен эса очик қолган турмаларингизни ўтказиб-ўтказолмай ортингиздан эргашган кўйи мустар бўлиб қолаверардим.

... Ҳаёт деганлари барибир кишини ўз измига бўйсундирар экан. Бирин-кетин ҳаммамиз болаликнинг бир олам беғубор онларига ошно бўлган ота уйимиздан полапонлар мисол учиб кетдик. Бугун эса тириклик дунёсининг ўй-ташвишларига кўшилиб-кўшилиб, куну тунларимиз шундай тез ўтиб кетаяптики... Лекин жон акажоним, йиллар бир-биримизнинг кўнгилларимизни ҳам олислатиб кўяди, деб ҳеч ўйламаган эдим. Ойлар ўтаверди, нечун бир бора йўқлаб кўймадингиз? Қаердадир ўқигандим, сингилларни йўқламоқ учун ҳатто бугдойзорларни оралаб бормоқ ҳам гуноҳ саналмас экан. Баъзан беихтиёр сизни кўтиб, деразадан боқиб йўллар қарайман. Кимларнидир сизга ўхшатаман. У кимса сиз бўлиб чиқмагач, ўзимча акагинимни оқламоқ учун баҳоналар қидира бошлайман. Ахир менинг акам катта корхонада раҳбар-ку. Ишлари кўп...
Йўқ, йўқ. Ана, машинанинг сигналли эшитилади. Жияларингиз шиппақларни оёқларига илиб-илмай, истиқболнингизга югуришди. Бўйинингизга осилиб уйга бошлашаркан, кўни-қўшиларга қошларини кериб мақтанишади. Тоғажонимиз келдилар.
Кела қолинг, аказорим.
Ойбуви ОЧИЛОВА

Фақат сизга аталган сўзим

ЖОЙНАМОЗДА УЗИЛГАН ЖОН...

Отажоним доимо: "Жойнамознинг устида жони узилган инсонлар жаннатидир. Чунки улар Оллоҳнинг севган бандаси-ю, пайгамбаримизнинг севибли умматидир. Бундай ўлимни Оллоҳ ҳар кимга ҳам насиб этавермайди", деб айтарди.
Бу воқеани менга сирдарёлик Суён ака Турдиев сўзлаб берган эди.
Сирдарё вилояти Сардоба туманининг Шароф Рашидов ширкат хўжалигида яшовчи 90 ёшларга яқинлашган бир отахон: "Одамларга доимо яхшилик қилингллар. Оллоҳ яхшилик қилганларнинг, савоб ишга кўл урган инсонларнинг бу дунёсини ҳам, у дунёсини ҳам обод қилади. Оллоҳим уларга осон ўлимни раво кўради", деб айтаркан. Узи ҳам бир умр одамларга яхшилик қилиб, ёрдам бераркан.
Бобо ўзи яшаётган ширкат хўжалиги-

Атир кучли ҳидга эга бўлган суюқ моддадир. Уларнинг асосини гиёҳлар ёки ҳайвонлардан олинадиган моддалар ташкил этади. Шунингдек,



айрим нефт маҳсулотларини қайта ишлаб сунъий йўл билан ҳам атир тайёрлаш мумкин.

Ўсимликлар асосида тайёрланган атирларда ўсимлик гули, илдизи, барглари, новдаси, мумидан олинган хушбўй ёғлар ишлатилади. Кашалот ва бўрсиқ ёғлари эса парфюмерия саноатида бириктирувчи восита сифатида қўлланилади. Ўсимлик ёғлари ва бириктирувчи воситалар спиртда эритилиб, маҳсус шиша идишларга қўйилади ҳамда савдога чиқарилади.


СУТ МАҲСУЛОТЛАРИ НИМА?

Сут ва йогурт бошқа-бошқа нарсалар: сут - суюқлик, йогурт эса суюқ таом. Йогурт, пишлок, қаймоқ, творог сүтдан олинади. Шунинг учун улар сүт маҳсулотлари деб аталади. Сүт юқорида биз санаб ўтган маҳсулотларга айланиши учун бир қатор қайта ишлаш жараёнларидан ўтиши керак. Ана шу жараёнлар ферментация (ачитиш) дейилади. Ачитилгани боис аксарият сүт маҳсулотлари озрок нордон тазьмага эга бўлади.

ДАРМОН тайёрлади.

АРО ЙЎЛДА...

Қобил ўта жиддий, камгап, давраларга, суҳбатларга қўшилиб, киришиб кетавермайди. Фақат исмини аташганда ё чакиришганда бошини бир оз қийшайтириб қўлимсираганга ўхшаб қарайди. Унинг ҳозирги аҳволидан, кўнглидан кечаётганлардан беҳабарлар қиёфасида ҳеч бир ўзгариш сезишмайди. Мана ҳозир ишни тугатиб қийиниб йўлга тушган. Идора қаршисида қорни қаппайиб қолган Лайлога дуч келди. Таъби хиралашса-да, тўхтамай иложи йўқ эди. Четга дараклар панасига ўтишди.



Хикоя

- Нима қиламиз?

Бўлинг, бир чорасини топинг! - қистарди Лайло. - Шарманда бўлгим йўқ. Ҳеч бўлма-са бола туғилгунча яшаб турайлик. У ёни яна бир гап бўлар. Ҳозирнинг квартирам бор, ёлғизлигим учун онамникида турман. Бола отасиз туғилмасин, номингизга олинг.

- Шу аниқми? - деди ниҳоят Қобил зўрга овоз чиқариб.

- Хали шубҳа-гумонингиз ҳам борми? - асабийлаша бошлади Лайло. - Мени бошқа биров билан кўрганмидингиз? Ёлғиз аёл бўлса, суюқоёқ бўлаверадими?

- Оилама нима дейман? - Лайлога қаролмасди Қобил. - Яқинда болалик бўлганми.

- Энди унинг бир ҳисобини қиларсиз. Оилангиз билан яшайверасиз. Мен сизни тортиб олмакчимасман. Лекин бўйимдаги бола отасиз туғилишини ҳам истамайман.

Қобил йўга ботиб гап тополмай турганида идорадан бир ҳамкасби чиқиб, тенага ишора қилди:

- Абдувосит ака чақираптилар, хонасида.

Қобил салга бўлса-да, Лайлодан узоқлашганига енгиллашиб идора томон йўл олди. Абдувосит қорхона ичкарисидagi цех бошлиғи Қобилни жуда совуқ, тунд қарши олди.

- Ҳа, йигит, нима иш қилиб кўйдингиз?

Қобил юраги "шиг" этиб бошини эгди.

- Сиздан сўраяпман, гапиринг!

Қобил кўзларини айбдорона ерга қадаб ноилж, аста гап бошлади:

- Билмай қолдим, яхши гапирди, ўзини яқин тутди.

- Аёл сўйқалса илқилишиб кетаверасизми? - деди Абдувосит кино билан.

- Сиздан бунақасини кутмагандик. Ювощ, бўш-баёв кўринган билан ичидан пишганлардан экансиз-да!

- Йўқ, - ҳамон бош кўтаролмасди Қобил. - Бир марта учрашганимиз холос.

- Бир марта денг! - тергашда давом этди Абдувосит. - Қўлингиздан келмаса нима қилардингиз бу йўлга кириб? Ҳозирнинг оддий, камбағал оиланинг боласисиз. Отанонгиз қийналиб бўлса ҳам сизни орзу-хаваслар билан уйлаган бўлса. Яқинда болали ҳам бўлгансиз. Энди уларга нима дейсиз?

- Абдувосит ака, - деди Қобил гапни тарқатай.

- Сиз ҳам эрак, тушунасиз-ку. Ҳозирнинг хотини оғирроқ, ой-куни яқин эди.

- Йигитчилик демокчисиз-да! - захарли илжайди Абдувосит.

- Унақанда хотини ўлган, ажрашган, беш-ўн йиллаб сўққабощ юрганларга тўзим берсин экан! Майли, шу ишни қилибсиз. Олдини олиб чорасини қўришга ақл етмадимми?

- Кўнмади, биринчи болам деб... - Ана шунақа! Ошиқ-маъшуклик ширин. Лекин меваси кўпинча аччи бўлади. Туғиладиган болада гуноҳ йўқ. Аммо ота-онанинг аҳмоқона қилмиши бир умр пешонасига тамга бўлиши мумкин.

Қобилнинг жавоб қайтаришга ҳам холи йўқ эди. Боя Лайлодан узоқлашиш учун бу ерга келган бўлса, энди тезроқ бу хонадан чиқиб кетишни уйларди. Чикқанда ҳам қаёққа боради? Уйдагилари ҳам сезиб қўлишганга ўхшайдими, кейинги кунлар бошқачароқ.

- Бўлмаса, гап бундай, - бир қарорга келди Абдувосит. - Сизни ҳам тушунаман. Иложини қилиб, шу хотиннинг квартирасига ора-сирода келиб эридаги кўриниб туринг. Боласини турволсин, кейин ҳисобини қилиб келишиб ҳар қайсиларинг ўз йўлларинга кетаверасизлар.

Қобил бошлиғи хонасидан гўё елкасида зил-эмбил юк билан чиққанида, уни ҳамон Лайло кутиб турарди.

- Нима қилдингиз?

Бунақа саволлар кейинги пайтлар баданига тикандек санчиладиган бўлиб қолганди.

- Уйга бориб келай, жавобини айтман...

Қобилнинг уйида ҳам ҳар доим келишидаги илқилик, мамнулик аллақайқа гойиб бўлганди.

- Севгилингиз ушлаб қолдимми? - деди хотини.

- У нима деганингиз? - ўзини гўлликка солмоқчи бўлди Қобил.

- Буни сиздан сўраш керак! - деди хотин аламли қилиб. - Мен майли, уйни бўшатиб берман. Лайлохонини олиб келиб ўйнаб-қулиб яшайверасизлар!

Қобил ўзини йўқотиб каловланиб турганида отасининг қаҳрли овози эшитилди:

- Қани бу ёққа бир қараворсинлар! Оёқлари ўзига бўйсунмай ота хузурига йўл олди. Ота ёнида она еб қўйгудек қарши олишди.

- Нима иш қилдингиз, ўлим?

Қобил боши эгик, кўзлари ерда, жавоб беролмасди.

- Қорин тўйдими? Қўп пул қўриб кутурдингми? Кўчадаги шаллақи уйдаги хотиндан, боладан афзалмикан? Гапир, тилинг борми? Қилганин қилиб қўйиб, аждоқларимизнинг номини булгаб, уйни ҳаром қилдинг-ку, ифлос! Энди қадамингни босма! Бориб квартира олсанми, ичкўёв бўласанми, билганингни қил.

- Жуда оширворманг, дада-си, - ўлига ачинди она.

- Мен хали оширганим йўқ!

- деди ота аламдан куйиниб.

- Қудаларнинг бетига қандай қараймиз? Умид билан қиз ўстириб ишониб бизга беришган.

Оқибатларинг шуми дейишса биз нима дейишимиз керак?

Қобил ота уйдан бадарга бўлиб, ноилж Лайлонинг квартирасида яшай бошлади.

Бусиз ҳам касбдошларига унча қўшилмайдиган йигит, энди бутунлай яққаланиб қолганди.

Кўп ўтмай Лайлонинг ҳам ой-куни яқинлашди. Қобил ишдан тушликка кетаётганди. Ошхонага етмасидан бошлик чақираётганини айтиб қолишди.

"Оббо, яна нима гапи бор экан?" - дея ижирганиб идора томон бурилди.

Кириб борганида Абдувосит хонасида, дераза қаршисида тик туриб ташқарига боқарди.

Хотини бўлса керак, гавдалик бир аёл газабдан қизариб, тилдана заҳар томиб қўлини пахса қилиб, унга ўдағайларди:

- Ў, инсон, нимага тушунмайсан? - дерди Абдувосит хотинни тинчтинмоқчи бўлиб. - Бошлик одам бўлсам айбимми? Қўл остимда эркаклар ҳам, аёллар ҳам ишлайди. Хизмат юзасидан олдимга келса ўйнаш бўлаверадими? Мен ҳам оила бошлиғи, болаларнинг отасиман, ўйласам керак, қиркиб келган Қобилга қўзи тушган ўзини тугтиб олиб енгиллашди:

- Мана эри, боласининг отаси! Атайлаб ишдан қачиртирдим. Яна қанақа исбот керак сенга?

Хотин ваҳожати ўзгармай Қобилга ўқрайиб бир қараб олди-да:

- Э, садқақ эрак кетинглар! - деб хонани тарк этди.

- Шунақа гаплар, йигит, - деди Абдувосит. - Махжур бўлдим. Ўйламай бошган қадамларинг биз уйларинг-нимас, бошқаларни ҳам иснодга тортапти.

Қобил жавобига бир сўз қайтармай бошлиғи хузуридан қайтиб чиқди. Иштаҳаси бўлмаса-да, иш охиригача оқчаб, толикиб қолмаслик учун ошхонага йўл олди.

Ишни тугатиб, қийиниб қайтаётганда ёнидан ёши каттароқ маҳалладоши Обид ўтиб кетаётди:

- Аҳмоқсан! - деди таъна аралаш ачиниб.

Қобил бунақа танбех, луқмаларга кўнчиб қолган бўлса-да, беихтиёр:

- Нимага? - деб юборди.

- Тенгинг бўлса ҳам бир нав эди, - деди Обид маънодор. - Сендан етти-саккиз ёш катта. Уч-тўртта эр кўрган. Сендақаларни дарёга олиб бўриб, сув ичирмай қайтариб келди. Камига бировнинг боласини боқиб берасан. Ажрашиб кетсанг алимент тўлайсан.

- Қанақасига? - бўшашиб, шаливраб қолди Қобил.

- Бола Абдувоситники! - деди Обид қатъий. - Хотини беқорга келиб тўполон қилдимми? Лайлонинг ўзи ҳам тайинлик ишламай Абдувоситнинг хонаси атрофида ўралишиб юриб, ойлиқни ҳамма қатори оларди. Бундай бир қаллангни ишлатиб кўрмадингми, шунча кўркам, бақувват, бойвачча йигитлар турганда, нимага сен бечорлага осилиб илақашади? Хали бола туғулган кўрасан...

Қобил турган жойида тахта бўлиб қолди. Шу тобда қаёққа боришини, нима қилишини ҳам билмай аро йўлда қолган эди.

Комил НАЗАР,
Тошкент вилояти,
Бекобод тумани.

МУАЛЛИФ СЎЗИ: Куйидаги дил изҳорини мен қариялар оромгоҳида дам олиб юрган маҳалимда бир тенгшо аёлдан эшитдим. Бу ҳаёт кечмиши анчагача фикру хаёлимдан кетмади. Ниҳоят, қўлимга қоғоз-қалам олиб ёзишга тутиндим. Зора бир инсон ҳаётида юз берган хатоларни ўзгалар, айниқса, ёшларимиз такрорлашмасин.

ҚИНФИР ИШНИНГ ҚИЙИҒИ

Отам фронтда вафот этганлиги сабабли онам билан иккимиз яшардик. Оддийгина, кўкрак бурма қўйлак кийиб, узун сочларимни иккита қилиб ўриб, дўппи кийиб юрардим.

Бир куни трамвайда ишдан қайтаётганимда, бир йигит мендан кўзини узмай келаверди. Мен ўз бекатимда тушиб қолдим. У эса орқадан тушиб, мени кузатиб келди. Ҳар куни шундай ҳолат давом этди. Бир куни ҳовли супураётсам, қўшимизнинг боласи қўлимга бир парча қоғоз берди. Уша йигитдан экан. У билан танишдик, учраша бошладик.

У юридик институтида ўқирди. Бир куни у мени дўстининг туғилган кунига таклиф этди. У дўстининг хотинига мени, "Хотиним", деб таъна ништирди. Кечани жуда яхши ўтказдик. Мёнга шампан виносидан қўйиб беришди. Илк марта ичкилик ичганим учун кайфим ошиб қолди. Дўстининг хотини бизни эрхотин деб уйлагани учун икковимизга бир хонада ёнма-ён жой солиб берди. Эрталаб ўзимни унинг кучоғида қўрдим.

Энди биз чиндан ҳам эру хотин эдик. У: "Институтини тугатиб, сўнг тўй қиламиз", - деди. Мен унга ишондим. Буни онамга бир амаллаб айтдим. Онамининг талаби билан яширинча никоҳ ўқитиб, унинг ижара уйида яшай бошладик. Оқибатда ҳомиладор бўлиб қолдим. У эса: "Ҳомилангни олдири, ҳали бизга фарзанд келмасин. Қўлингиздаги боланг билан сени Марғилонга олиб кета олмайман", - деди. Эрим институтини битириб, Марғилонга жўнаб қолди. Мен энди онамининг уйига кўчиб бордим. Туғиш вақтин етиб, онам мени туғуруқхонага олиб борди. Мен ўғил қўрдим. Она бўлганимдан жуда бахтиёр эдим. Лекин онамдан бошқа мени йўқлаб келувчим йўқ эди. Қариндошларимиз юз ўғирлиганди. Туғуруқхонада ҳам мен ҳақимда жуда кўп миш-мишлар тарқалди. Бир куни иссиғим чиқди. Шунда Тоир



Тоир ака мени ва боламга машинасида тўри ўз уйига олиб кетди. Эртаси куни никоҳ ўқитиб олди. Тоир ака ишдан келса, ўғилчамини қўлига олиб эрқалатар, отини ҳам ўзи "Умид" деб қўйганди.

Бир-биримизни жуда ҳурмат қилардик. Бир йилдан кейин ҳомиладор бўлиб қолдим. У мени еру қўққа ишонмасди. Ўғлим бир ёшга кирганда қиз қўрдим. Биздан бахтли оила йўқ эди.

Ойлар, йиллар ўтиб, ўғлим Умиджон мактабни битириб, юридик институтига ўқишга кирди. Қизим Гулшода педагогика институтини тамомлагач, яхши бир оилга турмушга бердик. Умид прокуратурада ишларди. У тез-тез иш юзасидан сафарга бориб турарди. Эндиги вазирамиз Умидни уйлантириш, келин олиб, неваралар қўриш эди. Баъзида юрагим сиқилиб, Умидхонинг ҳақиқий отасини эслардим. У отасининг худди ўзи эди. Баланд бўйли, қош-кўзлари қоқ-қора, ҳар қандай қизни ҳам маҳлиё қиларди. Қўлларининг бирида у Марғилонга сафарга бориб, жуда хурсанд қайтиб келди. Бир қизни севиб қолибди. Мен унинг севгилисини келин қилишга рози бўлдим. Эрим ҳам менинг фикримга қўшилди. Онамининг йили ўтгач, сарпо-сурлар, сова-саломлар олиб, Марғилонга жўнадик.

(Давоми 13-бетда)

КЕЛИНЧАКНИНГ УЧ ЮЗ АЙБИ

Пойтуғ шахрининг ёнгинасидаги Янгизамон кишлоғилик Ҳабибулло ижарачи икки ойча илгари қизи Нодирани куёвга узатган эди. Тўй олдида ҳар икки томон йигит билан қизни бир-бирларига жуда мос тушади, деб ўйлашганди. Аммо Нодира икки ой ичида икки бор аразлаб, ота эшигига келиб олди.

Биринчи гал Нодирани куёв йигитнинг ўзи келиб олиб кетди. Кейинги гал эса Нодирани унинг оппоқ бувиси олиб бориб қўйишга шайланди. Бувиси Хосият момо бир кам тўқсон ёшга тўлдилар. Ҳали теклигини йўқотган эмас.

Хосият момо йўл-йўлкади Нодира билан суҳбатлашиб кетди. Қуда томондагиларнинг айби талайгина экан. Икки ой ичида куёв йигит ҳам жиндай ўзгариб, кўнгилсизга ўхшаб қолибди. Қайнонаси ҳам Нодиранинг айбини топиб "бурама" гапларини ишлатиб тураркан. Иккиси куёвнинг хонадонига айна нонушта пайтида етиб боришди. Хосият момо дарвозадан кира солиб, гадир-будир кафтини кўксига босди.

- Ассалому алайкум, яхшилар! Эндигина нонуштага ўтиришган оила аъзолари момони кўришлари билан ўринларидан туришиб, уни иззат-икром билан кутиб олишди. Бу оила бошлиғи Хусниддин ва унинг аёли Маъмураҳоннинг момага иҳлослари жуда баланд эди. Биргалашиб нонушта қилишгач, катталарни ишга, болаларни мактабга кузатиб қўйишди. Хонадон бекаси Маъмура ая Хосият момо кутиб суҳбатлашгани анчадан буюн орзулаб юрганди. Иккаласи сўрига ўтиришиб, суҳбат бошлашлари олдида Хосият момо Нодирага деди:

- Сен ишингни қилавер, қизим. Бувинг иккаламиз гаплашиб, жиндай кўнгил ёзиб олайлик.

Нодира уйга кириб-чиқиб ишни қилиб юраверди. Аёлларнинг суҳбати жуда қизиқди. Гап орасида Маъмураҳон ая келинчак томонга бўйланди.

- Сут совиб қолмасин, унга туз солиб қўйинг, қизим!

Нодира қайнонасининг гапига ташунмай, сўраган бўлди.

- Сутга туз солсам, нордон бўлиб қолади-ку, буви?

- Ана холос. Янглишиб кетдим шекли. Сутга оқлик солиб, қатиқ иви-тиб қўйинг, демоқчийдим.

Нодира катта бувисига "ана, кўрдингизми", деган маънода қараш қилди-ю, индамай ишга уннаб кетаверди. Хозирча келинчакнинг қовоғи очилганича йўқ эди. Хар қалай у оппоқ бувим мени ҳимоя қилади, қайнонаман "чакиб-чакиб" олади деган ўй-хаёл билан юмушларни қилиб юрганди. Хосият момо эса суҳбат орасида келинчакнинг уйига "Ассалому алайкум" дея қадам босиб кириб, уйни бир сидра кўздан кечириб чиқди. Сўнг ўчоқ бо-

шига бориб, Нодиранинг ишини бир оз кузатган бўлди.

Хосият момо гоҳ хонадон бекаси билан суҳбатлашиб, гоҳ Нодиранинг иш-юмушини кузатиб, шу ҳовлида кунни кеч қилди. Ишга кетганлар қайтиб бўлишгач, момо Нодирага шундай деди:

- Менинг сафарим қариди, қизим. Биргалашиб уйингга кирсам, сенга айтиб қўядиган икки оғиз гапим бор.

Уйга киришгач, Нодира оппоқ бувисининг чеҳрасига маъноли боқди.

- Бувимга ҳеч нарса демасангиз-ку? Бунақада сиз кетганингиздан кейин яна ишимдан хато топиб "бурама" гапларини ишга солади-да.

- Демак сен хато қилма.

- Ҳеч қанақа хато қилмайман. Айб топаман деса, топилавераркан-да.


- Йўқ болам, қайнонаг унақа аёл эмас. Эрталабдан буюн ишингни кузатиб турдим. Тўғри, тинмадинг. Лекин ишингнинг "мағзи" кам, болам. Ропла-роса уч юзта хато қилдинг.

Топажубдан Нодиранинг киприклари пирпиради.

- Ҳа, бу менинг сезганларим. Эрталаб дарвозадан кириб келганимизда биринчи бўлиб, сен салом беришинг керак эди. Энди қайнота-қайнонаг - ота-онанг. Уларга асло гина сақлаб бўлмайди, она қизим. Мен айбларингни бир бошдан айтавераман, сен ҳисоблаб тур. Нонуштада чайни ҳаммага бир қўллаб узатдинг, қизим. Болаларга майли, лекин катталарга пилани икки қўллаб узатади, жигарим.

Нонушта пайтида қовоғингни очмаганинг, яна битта айбинг. Юзингда табассум бўлмаса, сендан пилани олган одам чайни суюниб ичмайди-да.

Ҳеч бўлмаса менинг ҳурматимдан чеҳрашнинг очиб турмайсанми. Қовоқ уюшга одатланиб қолган одам, ҳеч қачон ўзининг айбини кўра олмайди. Бошқаларни кечиришни ҳам билмай-



❖ ҚИССАДАН ҲИССА ❖

Нади 2006

ди. Яна шундай ҳолатни кузатдим. Қайнонаг қалишини ечиб сўрига чиқаётганда, иккала пойи бир-бирига мингашиб қолди. Менимча қайнонаг атайлаб шундай қилди. Менга «неварангизнинг дид-фаросатини ўзингиз бир кўринг», демоқчи бўлгандир-да. Пойгакда ўтирган одам бунини дарров сезиб, қалишларни жуфтлаб ва ўнглаб қўйиши керак. Менинг кипригимга қараб, мақсадимни ўқиб олманганимга жуда хижолат бўлдим, қизим.

Ўчоқ бошидаги ишингни ҳам кузатиб турдим. Шу жойда менимча ўттизта хатога йўл қўйдинг.

- Йўғ-е! - Яна киприкларини пирпиради Нодира.

- Пакиринг қопқоғини бир очиб қўйганимга, овқатинг пишгунича очик тураверди. Тўғраган сабзи-пиёзнингнинг пўчоғи ҳалиям ўчоқ бошида турибди. Ўчоқнинг боши ёғ туша ялағундек туриши керак. Шундай қилмасанг, ҳамма файз-барока ахлатга аралашиб кетади. Мен ҳаммасини санаб ўтирмай, қилган хатоларингни ўзинг ҳам бир ўйлаб кўр.

Куёвнингнинг жиндай ўзгариб, кўнгилсизга ўхшаб қолганини айтганинг. Нима қилсин бечора? Ишга ку-

затаётиб, нега қўйлагининг ёқасига қараб қўймадинг? Чўнтагида рўмолчаси борми-йўқми қизикмадинг-ку? Энди куёви ишдан қайтганча Нодиранинг ўпка-гинаси ёзилиб қолар, деб кутдим. Куёвнингнинг келишига ўзингга қараб нетиб, дарвозанинг олдида кутиб олсанг бўлмайди? Куёвнинг хурсанд қайтса сен ҳам қўшилишиб хурсанд бўл. Хафа бўлса, сен уни овутиш йўлларини қилар. Анави хонтахтининг устига бир қарагина, еттита соч қистиргини ёйиб қўйибсан. Шунинг ўрнига гул қўймайсани, болам? Куёвнингнинг қўлига дархол бир пиёла чай тутиб, гулнинг ҳидини сездирсанг, чеҳраси очилиб, сенга бўлган меҳри ортади.

Энди уйни қандай тутаетганимга қара. Кираверишга қора парда осиб қўйибсан. Қора нарса одамнинг кўнглини гашлантиради. Зангори парда одамни умидлантиради. Яна битта айбингни атай, куёвнинг йўқлигини қўлидан келганича кўрпа-тўшакларни тахлаб қўйибди. Улар эрталаб қараганимда қандай бўлса, ўшандай турибди. Дарров ағдариб, чиройли қилиб тахлаб қўйсанг, одамнинг баҳри-дили очилади-ку. Қайнонаг покиза инсон, қизим. Мана бу ишларингнинг биронтаси унга ёқмайди. Агар эсинг-да бўлса, эрталаб қайнонаг сенга "Сутга туз солиб қўйинг", деди.

- Ҳа, шунақа деди, - тасдиқлади Нодира.

Сен бўлсанг, сутга туз солсам нордон бўлиб қолади-ку, деб сўрадинг. Шунинг ўрнига, бувим сутга оқлик солиб қўйинг, демоқчи бўлса керак, деб билиб ишингни қилишга фаросатинг етмади-ку?

Айбларингнинг бир қисмини айтдим, болам. Бувинг орқандан чала ишларингни тузатиб юрмасин. Унинг ҳар бир айтган гапи қулоғингда қолсин. Қайнонагнинг гапини зинҳор малол олма. Ҳамма кўт-барока тозаликда, саранжом-саришталикда бўлади, она қизим.

Яна битта оғир гуноҳинг бор, қизим. Шунча айбларинг бўла туриб, бу уйда бўлган гапларни онангнинг уйига ташиб боргансан. Гап қўпайган жойдан, меҳр-оқибат кўтарилди. Уйнинг сирини ҳеч кимга фош қилма, қизим. Шу ҳовлига келибсанми, ростмана садоқат билан хизмат қил. Ана шунда келган жойингдан бахт топасан.

Бувисининг ана шу гапларидан сўнг Нодира кўп мулоҳаза қилди. Аразлаб ота эшигига кетмайдиган бўлди. Бувиси унга ростмана бахтнинг қалитини топиб берганлигига қойил қилиб яшамоқда. Хулоса шуки, қизлар бегона ҳовлига келин бўлиб тушгач, у ердаги шароитга осонликча кўнжиб кетавермайдилар. Уларнинг бахтига Хосият момо каби бувиларимиз омон бўлишсин.

Комилжон НИШОНОВ

ҚИНФИР ИШНИНГ ҚИЙИҒИ

(Давоми. Боши 12-бетда)

Марғилонда бизни қизнинг ота-онаси кутиб туришарди. Машинадан туриб, кудаларимиз билан қўриша бошладик. Қизнинг онаси мени қучоқлаб, ўлиб қўришди. Отаси эрим билан қўришгач, кейин мен билан қўришиш учун ўтирилганда тошдек қотиб қолдим. Чунки у... Умиджоннинг отаси Анварбек эди... Ҳушимдан кетиб қолибман. Эрим мени касалхонага олиб кетибди. 3 кун элар, тўртинчи кун докторлар ёрдами билан кўзимни очсам, эрим йўглаб ўтирибди. Узимга келганимдан хурсанд

бўлиб, йўлакда турган ўғлимни қақирди. Эртасига мен ўзимни анчагина тетик сеза бошладим. Эримдан илоҳи бўлса ёнимга эркак қудани келишини ёлтимос қилдим. У келди. Ҳаммасини тушунтирдим. Умиджоннинг ўғли эканини, қизи ўз акасидан ҳомилидор бўлиб қолганини айтдим. Шунда у сочини юлиб, тақдиримизни ланталади. "Мен дунёдаги энг аблаҳ одамман. Уша вақтлар сени севсам-да, Марғилондаги катта амалдорнинг қизига уйландим. Сенга қилган хиёнатим

менга доим азоб берарди", - деб йўглади.

Кейин Умиддин қақиртирдим. "Тоир ака сенинг отанг эмас, ҳақиқий отанг сен севган қизнинг отаси эди. У мени ташлаб кетганди. Саида билан сен акасингил бўласизлар. Отанг Тоир акага умрбод меҳрибон бўл! Унинг ҳурматини қил, жон болам", - дея насихат қилдим. Ўғлим кўзидagi ёш билан мени ўлиб, олдимдан чиқиб кетди. Қайтишда Анварбек билан хайр-

лашар эканмиз, умеддан яна кечирим сўради. Марғилондан Тошкентга келганимиздан сўнг ўғлим Умиджон жуда кўп хаёл сўраганидан, ўз хонасига кириб, ёлғиз ўтирадиган бўлиб қолди. Бир кун унга: "Ҳаммасини унут, кел болам, сени уйлантириб қўяйлик, десам: "Эй, онажон! Мен энди ҳеч ҳам уйландим, дунёдан шундоқ ўтаман", - деди. У иш юзасидан Фарғонага кетди. Эртаси кун ундан хунук хабар келди. Фарғона йўлидаги доводна автохалокатга учрабди. Касалхонада Умиджон менга охириги марта кўз очиб қаради-ю, қўлимда жон берди. Ўғлимнинг вафотидан сўнг Тоир аканинг соғлиги кундан-кунга ёмонлашди. Кўп ўтмай, оламдан ўтди. Ҳаётда шу нарсага иқдор бўлдимки, гўзаллик, бойлик,

амал, молу дунё ҳаммаси ўткинчи экан. Ёлғиз ўғлим Умиджон Анварбек иккимизнинг гуноҳларимиз эвазига қурбон бўлди, дея ич-этими еиман. Ахир, ўшанда ёш бўлсам-да, гуноҳдан тийилишимиз, ўзимизни қўлга олишимиз мумкин эди-ку! Оллоҳнинг берган ҳақ жазоси олдида ожиз эдим. Болам ҳам биздек гуноҳ қилди, шу боис гапга ботиб, хаёл билан кета туриб фалокатга учрагани аниқ! Қинғир ишимизнинг қийиғи шунча йилдан кейин ҳам чиқди. Бу алам, изтироб, пўшаймонликдан адо бўлдим, эзилдим. Қолган умрим ўз айбим билан гурбатга айланди...

Сарвинознинг дил сўзларини
Ғайнижамол АБДУЛЛА
қизи ёзиб олди.

Хар бир инсон ўзи яшаб турган уйнинг кишин-ёзин гуллар билан кўркам бўлиб туришини истайди. Айниқса, қишли-қировли кунларда хонангизда яшнаб ўсиб ётган гулларни кўриб кайфиятингиз кўтариллади. Аммо ана шу чиройли гулларни ўстиришнинг ўзига хос қийинчиликлари ҳам бор. Гуллар доимий парвариш ва диққат-эътиборни талаб қилади. Гул ўстириш унча қийин эмас, унинг оддий ва риоя қилиш зарур бўлган қоидаларини билиб олиш kifоя.

Шу мавзуга бағишлаб туркум мақолалар чоп этишни бошларканмиз, энг аввало хонаки гуллар ўстиришнинг ўн қоидаси ҳақида сўз юритмоқчимиз.

1. ҲАММАСНИНГ ЎЗ ВАҚТИ БОР

Хонаки гулларни йил фаслига қараб парваришлар керак. Масалан, баҳорда иложи борича кўпроқ суғориш тавсия этилади. Чунки бу вақтда гулларнинг ёнидан кўшимча бутоқ ва барглари ўсиб, ғунчалай бошлайди. Фаол кўкариш даврида ҳам улар кўпроқ сувсайдди. Ёзда эса кўпроқ кўёшли кунларда суғорилиб, ҳаво салқинлаши билан камроқ сув кўйилади.

Кузда ва қишда эса намлигига қараб сув кўйиш керак. Хонаки гулларга истаган пайтда ўғит солинмайди. Улар энди авж оладиган баҳор пайтида солингани мақсадга мувофиқдир. Уларни тувакдан тувакка кўчириш ишларини баҳорда бажарган маъқул. Бу пайтда энди ривожлана бошлаган илдизлар янги тувакка тез ўрнашиб, кўкариб кетади. Зарарли ҳашаротлар эса иссиқ фасл пайтида гулларни еб кўяди. Шу боис ёз фаслида гулларни тез-тез кўздан кечириб туриш керак. Қуриб қолган барглари ва шохчаларини кесиб, шаклга солинса чиройли бўлиб ўсади.

2. ЁРУҒЛИК

Хонадаги ёруғлик гуллар учун етарли бўлмайди. Энг ёруғ жойлар эса албатта дераза тоқчаси ҳисобланади. Айнан ана шу жойларга қалин баргли, гуллайдиган ва манзарали навлари, шундай кўйилиши керакки, уларга кўёш нури тикка тушмасин. Дасторгуллар (герань) кўёш нурини ёқтирадилар. Фикус, сансеверина, диффенбахия ва филодендрон навлари салқинроқ жойларни хуш кўришади. Девордаги тоқчаларга ёки хона ўртасига қўйилган стол устига иссиқликни ёқтирмайдиган ва салқинда ҳам яшнаб ўсаверадиган бегония, калатая, маранта ва традесканция гулларини кўйиш мумкин. Хонаки азалия, антуриум ва сенполия қоронғироқда ҳам бемалол яшнаб туришади.

3. НАМЛИК ВА ҲАРОРАТ

Қишда иситилмайдиган хоналарда ҳароратнинг 18-20 даража иссиқ, намликнинг эса 30-35 фоиз миқдорда бўлишига эътибор бериш лозим. Баъзи намликни ёқтирадиган гуллар учун эса намлик 30-50 фоиз бўлиши зарур. Бунинг иложи бўлмаса, баргларига сув сепиш мумкин. Тувакда ўстирилдиган гулларнинг хонадаги намликка тез кўникадиган турлари эса 20-30 даража ҳароратга ҳам кўникадилар. Қалин ва этдор баргли хонаки гулларни 10° атрофидаги намликда ўстириш мумкин. Лекин баъзи ўсимликлар пасайиб кетишига йўл қўймайди. Гулларни ҳеч қачон елвизакка ёки иситиш қувурлари ёнига қўйиб бўлмайди. Совуқ ҳаводан баъзи тропик ўсимликлар қаттиқ зарарланадилар. Энг инжиқ гулларга зарур бўлган намлик миқдорини



сақлаб туриш учун кичик туваклар ёки керамзит солинган каттароқ тувакларга жойлаштирилади.

4. СУҒОРИШ



Хонаки гулларни тўғри парваришларнинг энг асосий шартларидан бири уларни тўғри суғоридир. Агар сув кўп ёки кам кўйилса ҳам гулларга дарров таъсир қилади. Масалан, филодендрон қишда секин ўсади. Шу боис қишда бу гулни суғоришни ҳар доимигдек давом эттиривериш керак. Тутсимон фикус, "фикус Бенджамин" қишда ўсишдан тўхтагани учун суғорилмайди. Қалин ва этдор баргли гуллар қиш фаслида умуман суғорилмасда, яшнаб тураверади.

5. ГУЛ ҚЎЙИЛАДИГАН ЛИКОБЧАЛАР...

Кўпчилик гултувак остига қўйилдиган ликобчаларга сув кўйиб ҳам уларни суғориш мумкин, деб уйлайдилар. Бундай қилиб бўлмайди. Улар гулга қўйилган сувдан оқиб тушган оқоваси тўкилмаслиги учун хизмат қилади, холос. Лекин баъзи ўсимликлар сув тупроғига эмас, ликобчага қўйилганда яхши ўсади. Шунинг учун ликобчанинг ортиқча сувни вақтида тўкиб ташланмаса гулнинг

илдизи етарли ҳаво ололмай, чириб, қуриб қолади. Пиёзсимон илдизли гуллар кўп суви хуш кўришмайди, аммо илдизлари ҳаммаша нам бўлиб турса яхши ўсади. Баъзи гулларга эса беш см. миқдордаги намлик ҳам етарли. Гулларни яхшиши очик жойга қўйиб суғориш ва суви оқиб бўлгандан сўнг яна жойига қўйиш керак.

Хонаки гулларни парваришлар учун зарур бўладиган маслаҳатлар:

- * Гулларни ҳар гал меъёри билан суғоринг.
- * Аввал тупроқдаги намликни текшириб кўриб, сўнг сув кўйинг.
- * Хонаки гулларни ҳеч қачон совуқ сув билан суғорманг.
- * Ҳамма гулларнинг баргларига сув пурқаш ва кўйиш хуш келавермайди. Баъзиларнинг баргига сув тегса кўп ўтмай қуриб қолади.

6. ОЗИҚЛАНТИРИШ

Ҳар қандай ўсимликлар тупроқдан илдизи орқали озиқланади. Озиқлантирувчи моддалардаги темир, азот, калий, кальций, магний ва олтингурут хонаки гулларнинг гурқираб ўсишига, гуллашига ёрдам беради. Улар етишмаса гуллар қурийдилар. Худди суғоргандек, озиқлантириш ҳам меъёрида бўлгани маъқул. Хонаки гуллар аста-секин ривожлангани учун уларга берилдиган баъзи ўғитлар миқдоридан ошиб кетмаслиги керак. Кейинги пайтларда ўғитни тупроққа солиш ўрнига бошқача усуллар қўлланилапти. Кристалсимон ёки суолтирилган ўғитлар сувда эритилиб, сўнг қўйилмоқда. Шунда ҳам бундай

озиқлантиришни агар гулнинг ривожланиши суст бўлиб, унга озуқалар етишмаслиги сезилгандагина амалга ошириш тавсия этилади.

Диққат! Хонаки гулларни ҳеч қачон уларнинг ўсиши секинлашганда, яъни куз, қиш ойларида ёки бошқа тувакка кўчирилган пайтда озиқлантирманг!

7. ГУЛЛАРНИ ХОНАЛАРГА ЖОЙЛАШТИРИШ

Уйга янги олиб келинган гул учун аввало доимий жой топинг. Уларни парваришлар учун вақтинча жойдан олиб турилган, яна ўша жойига қўйишингиз шарт. Чунки, улар бир хилдаги ёруғликка, ҳароратга, намлик ва атроф-муҳитга ўрганиб қолишади. Шунинг учун зарурат бўлмаса уларни бир жойдан бошқа жойга олиб қўймаганингиз маъқул. Баъзилари эса ёзда ҳовлида турса, қишда уйга олиб кирилади. Бу вақтда гурқираб ўсиб турган гулларнинг барглари сарғайиб, тўкилса-да, яна ўзини тўтиб олади, янги шароитга қўйлади. Агар унинг жойини ўзгартирсангиз қуриб қолиши мумкин.

8. ГУЛЛАРНИ БОШҚА ТУВАКЛАРГА ЭКИШ

Гулларни қайтадан экиш ҳам уларни нимжон қилиб, баъзан эса қуриб қолишига сабаб бўлади. Уларнинг сарғайиши тувакнинг кичкиналигидан эмас, зарарли ҳашаротларнинг кемиришидан ҳам бўлади.

Гулларнинг тувагини ўзгартариш учун аввал улар тупроғи билан кафтга ағдариб олиниб, ўсиб кетган узун илдизлари кесиб ташланади. Сўнг бошқа тупроқ тўлдирилган тувакка экилади.

МАСЛАҲАТЛАР

- * Хонаки гулларни зарурат туғилган тақдирдагина қайтадан экиш лозим.
- * Бу ишни март ёки май ойининг бошларида бажариш керак. Бошқа вақтда гуллар қуриб қолиши мумкин.
- * Яна шунинг учун унутмангки, гуллар қайта экилаётган туваклар олдингисидан анча каттароқ бўлиши керак.

* Уларни кўчираётганингизда илдизларини синдирилмасликка ҳаракат қилинг. Фақат



тупроқдан олиб ташласангиз кифоя.

- * Гултувакнинг остига учтўртта кичикроқ тошчалардан солинган бўлиши керак. Бу уларнинг илдизини етарли ҳаво билан таъминлайди.
- * Гулларни тувакларга бандигача кўмиб, ўртасига тупроғини сал зичлаб экинг.

Ўзингиз ва уй



Ўзгариш учун

* Тупроқни жуда тўлдириб юборманг. Унинг тепасидан 1-2 см. жой қолиши керак. Акс ҳолда қўйилган сув тупроғини ювиб юборади.

* Қайтадан экилган гулларга кўп миқдорда сув қўйинг. Агар тупроқ чўкиб илдизи очилиб қоладиган бўлса яна озроқ тупроқ солинг.

9. ҒУЗАЛЛИГИНИ САҚЛАНГ!

Уйингизда гул ўстираркансиз, уни доимо назорат қилиб туришингиз керак. Қуриб қолган шохчалари ва барглари албатта олиб ташланг. Чунки айнан ана шу қисмларида касаллик ва зарарли ҳашаротлар кўпая боради. Шундай ҳолларда қуйидаги маслаҳатларга амал қилсангиз гулларингиз ҳаммаша яшнаб кўзингизни қувонтириб туради:

* Қуриган шох ва барглари олиб ташлаётганингизда соғлом барглари зарарлантириб қўймасликка ҳаракат қилинг.

* Бу ишни бажараётган асбобингиз учли ва ўткир бўлиши шарт.

* Баъзи гуллар—диффенбахия, филодендрон, аралия кабиларнинг сарғайган барг ва қуриган шохчаларини кесиб ташлагандан сўнг қолганлари ҳўлатта билан аста-секин аркти тозаланади.

* Бундай гулларни сув пурқайдиган асбоб билан тозалаш ҳам мумкин. Лекин сув илтиқ бўлиши зарурлигини унутманг.

10. КАСАЛЛИК ВА ЗАРАКУНДАЛАР

Хонаки гулларни қуриб кўйдиган зараркунанда ҳашаротларга қарши курашиш осон эмас. Бунинг учун махсус зарарли моддалардан фойдаланиш зарур бўлади. Улардан фойдаланиш баъзи гулларнинг бутунлай қуриб қолишига сабаб бўлади. Шунинг учун дўконлардан ёки бозордан гул харид қилаётганингизда уларнинг касал ёки соғломлигини текшириб кўринг. Уйингиздаги касалланган гулларни соғломлари билан ёнма-ён қўймасдан бошқа жойга ажратиб қўйганингиз маъқул. Агар хонаки гуллардан бирортасининг барглари сарғайиб доғлар пайдо бўла бошласа, демак нотўғри парвариш қиляпти. Мабодо улардан бирортасида замбурғ касаллигини кўриб қолсангиз, яхшиши бу гулдан воз кечинг. Агар замбурғ кўпайиб кетса даярли барча гулларингизни зарарлантириб қўйиши ҳеч гап эмас.

(Давоми бор) БАСИРА ВА ДИЛБАР тайёрлашди.

СИЁХРАНГ САБЗАВОТ МЎЪЖИЗАЛАРИ...

Бақлажон ўзининг оддийлиги билан бошқа сабзавотлардан ажралиб турса-да, ундан ажойиб, мазаси оғизда қоладиган таомлар, икралар тайёрланади.

Агар у озрок миқдорда бўлса, бу унчалик хавфли эмас. Мабодо кўпроқ бўлса, бу таъмини йўқотиш мумкин. Бунинг учун бақлажонни иккига бўлиб, ҳар бир бўлагига туз сепилади. У ярим соат турганидан кейин сиқиб ташланса, туз билан тахир таъми ҳам чиқиб кетади.

ҲАМ ЕГУЛИК, ҲАМ ДОРИ

Ҳар бир маҳсулот ўзига хос шифобахшлик хусусиятига эга. Бақлажон ҳам айнан ана шундай даволоччи сабзавотлардан бири ҳисобланади. Чунки унинг таркибида РР,С, В, каротин, фолий кислотаси, шакар ва органик кислоталар бор. Кўп миқдордаги калий моддаси эса юрак фаолиятининг яхшиланишига ёрдам беради. Фенол ривожланиб келаётган хотира сусайишининг (атеросклероз) олдини олади. Пектин эса ичакларнинг ишлашига ёрдам бериб, танадаги холестеринни йўқотади.

Агар подагра, қанд касали ва семизликдан қийналаётган беморлар бақлажондан тайёрланган таомлар ва унинг икрасидан кўпроқ ейишса шифо топишади. Лекин ошқозони безовта қиладиган кишилар бақлажонни шифокор билан маслаҳатлашган ҳолда истеъмо қилишлари керак.

Бироқ кўкиш бақлажонни деярли барча бемалол истеъмо

қилиши мумкин. Бақлажон ёрдамидаги махсус даволоччи пархезлар ҳам бор. Бу сабзавотдан пиширилган турли таомларни истеъмо қилиш ҳеч қимнинг меъдасига тегмайди.

МУҲАБАТ ВА ...

Бақлажондан таом тайёрлашда ҳар қанақа ўсимлик ёғини ишлатиш мумкин. Бироқ ҳар бир уй бекаси сабзавот, хусусан бақлажондан таом пиширишда ёғ жуда кўп миқдорда сарф бўлишини яхши билади. Шунинг учун бақлажонни духовқада пишириб олса ҳам бўлади. Сабзавотлар орасида бир-бири билан қўшилганда ниҳоятда мазали таъм ҳосил қиладиганлари ҳам бўлиб, помидор билан бақлажон ҳам шулар жумласидандир. У деярли барча халқларнинг таомлари орасидан ўрин олган.

Айниқса, пиёз ва булғор қалампири бақлажон билан қўшиб қовурилса янада уштак бўлади. Агар бу таомга зираворлар ҳам аралаштирилиб димланса ажойиб таом тайёр деярлик. Бугунги кунда бақлажонни турли усулда консервлалаш кенг тарқалган.

Бақлажонни пишлоқ, ёнғоқ, гўшт ва балиқ билан қўшиб қовурса ҳам бўлади. Масалан, греклар унинг қўй гўшти билан димланганини жуда хуш кўришади. Бу таомни тайёрлаш учун бақлажон ингичка қилиб кесилгач, туз солинган ёғда қовуриб

олинади. Сўнг пиёз қўшиб қовурилган қўй гўшти билан аралаштирилади. Ёки қўй гўшти билан бақлажонни устма-уст териб, қозонда пишириб олинади. Пиёз билан қовурилган қўй гўштига бақлажон икрасини қўшиб ҳам димлаш мумкин.

Бақлажон экилганидан кейин 100-130 кунларда истеъмо учун яроқли бўлиб етилади.

У ўз таркибида қанд (асосан глюкоза), крахмал ва оксилларнинг кўплиги билан бошқа сабзавотлардан ажралиб туради. Бақлажон флавоноидлар манбаи бўлиб, унда сабзавотга сиёҳ ранг берадиган антоциан ва дельфинидин кўп. Шунингдек, калий, темир ва марганецга бой.

Доривор сифатида унинг этилган ишлатилади. У сийдик ҳайдайдиган ва бактерияларга қарши курашадиган сабзавотдир. Шунингдек, у қондаги холестерин моддасини пасайтириш хусусиятига ҳам эга.

Хотира пасайиши, нефрит ва сийдик тошини туширишда...

● Янги узилган бақлажоннинг шарбатини сиқиб олиб 1/4 стакан кунига 2 маҳал истеъмо қилинади.

КАМҚОНЛИҚДА...

● Ҳар куни камида 1 донадан бақлажон ейиш тавсия этилади. Чунки унинг таркибидаги мис қонни кўпайтиришга катта ёрдам беради.



АРТРИТ, БЎГИНЛАР БОДИ ВА ПОДАГРАДА

● Оғриётган жойни аввал ичимлик содаси билан (1 литр сувга 1 чой қошиқ солинади) артиб, ўша жойга бугланган бақлажон босилади-да, устидан жун шарф билан ўралади. 3 соатдан сўнг бақлажонни олиб, оғриётган бугин совуқ сув билан ювилади ва бирор хил ўсимлик ёғидан суриб қўйилади.

САРҒАЙГАН ТИШЛАРНИНГ КАРАШИ ВА ПАРАДОНТОЗДА

● Бақлажон кулга айлангунча қуйдирилади. Сўнг кулга бармоқни ботириб тишлар артилади.

● Бақлажонни пўстида туз пишириб тенг миқдорда туз аралаштирилади. Ушбу аралашма билан тиш ва милкларни бармоқлар ёрдамида ишқалаб тозаланади.

ҲАМИДА тайёрлади.

ТАЪМИ ВА РАНГИ

Бақлажоннинг энг яхшиси сиёҳ рангдагисидир. Мана шундай рангдагилар истеъмо учун маъқули ҳисобланади. Тўғри, унинг оқш ва кўкиш рангдагиси ҳам учрайди. Уларга ҳам худди қуёшда қолган картошкага ўхшаб, салатлик учун хавфли бўлган соланин моддаси кўп миқдорда йиғилган бўлади.

Соланин сабзавотларга тахир таъм берадиган моддасидир.

Физиогномистика (ташқи аъзолар шакли ва рангига қараб инсон тарқирини аниқлаш) соҳаси мутахассислари кўзларга қараб инсоннинг характери, ўтмиши, нималарга қодирлиги, қандай касалликларга мойиллиги борлигини аниқлаш мумкинлигини исботлашган.

Чарчок белгиси

Бўртиб, шишиб чиққан қовоқлар одам ҳаётдан чарчаганидан дарак беради. У ёши улуг, кекса кишиларда кўзатилади.

Ақлдан дарак

Агар кўзларнинг ташқи бурчаги, яъни чакка томони узун ва ингичка бўлса, билинги, бу ақл ва закийлик белгиси. Одатда артистликка мойил, тўғриси, каттиққўл кишиларнинг кўзлари шундай шаклга эга бўлади.

Соғлом кишининг кўзи

Юқори қовоқ кўзнинг рангдор пардаси (қорачик)ни салгина ёпиб, парданинг пастки қисми остки қовоққа теккан бўлади. Кўзнинг оқи эса рангдор парданинг ёнларидан кўриниб туради.

Кучлилик белгиси

Кўзнинг қорачиги пастки қовоқ остига ботибдор тугшани боис тепасидан оқи кўриниб турадиган кишилар кўркмас, ўз кучига ишонган бўлишади.

Хиссиётдан даракчи кўз

Агар пастки қовоқ сал тортилиб, кўзнинг қизил этини очиб турса, бундай одам кучли хиссиётга, хирсга эга эканлигини билаверинг. Эркаклар совуққон, ишқий саргузаштларга ишқибоз бўлишади.

Омад белгиси

Кўз бурчагида тўртта ёки ундан камроқ ингичка ажинлар бўлиши омад, ташкилотчилик қобилияти ва қийинчиликларни енгишга қодирлик, уларнинг юқорига қараганини шахсий муносабатларда бахт, пастга қарагани молиявий муаммолар даракчисидир.

КЎЗЛАР



НЕЛАРДАН СЎЗЛАР?

Дардлардан дарак

Юқори қовоқ кўзнинг рангдор пардасини шундай ёпиб тушадик, парданинг қуйи қисми билан пастки қовоқ ўртасида кўзнинг оқи кўриниб туради. Бундай кўз соҳиблари ўзларига ишонишмайди, ҳамма нарсага ҳадиксираб қарашади, ваъдаларига вафо қилишмайди, вақтларини беҳуда ўтказишади, хотиралари суст бўлади. Уларни кўпроқ юрак, жигар, буйрак, ўпка ҳамда жинсий аъзолар касалликлари безовта қилади.

Бахтли ҳаётдан нишона

Қорачиги кенг бўлган катта-катта кўзлар соҳиблари меҳрибон, тadbиркор, шахсий ҳаётда омадли бўлишади. Эркаклар кўпроқ юқори лавозимларни эгаллашади. Аёллар эса эрлари томонидан осон бошқарилади. Улар ўзгаришларни, янгиликларни ёқтиришмаса-да, янги жой ва янги вазиятларга тез мослашадилар.

Қайсарнинг кўзи

Рангдор пардаси тор, кичкина кўзлар ўзига бино қўйган ва қайсар одамларга хос бўлади. Улар ўзларининг ҳаёт-

да эгаллаб турган мавқаларидан ҳеч қачон қониқмайдилар, аммо доим ўзларини салобатли туттишга тиришадилар. Санъат кишилари ва олимлар кўп учрайди. Кўзи шу шаклда бўлган аёллар қаноатли ва вафодор умр йўлдоши бўладилар.

КЎЗ РАНГИДА ЯШИРИНГАН СИР

Мовий рангли кўз соҳиблари ижодкор, яратувчиликка мойил. У мақсади ва ютуққа тиришқоқлиги ва топқирлиги боис эришади.

Рухият сирлари

да алам ва қувонч, ишонч ва ишончсизлик, бахтли кунлар келишига, омадга умид қоришиб кетган.

ШАКЛДА ҲАМ ҒАП КЎП

Кўзлар қинининг катта-кичиклиги, қош ва киприклар шакли ва ҳажмига қараб олти турга бўлинади.

"Чақчайган": кўзнинг оқи бўртиб чиққан, сарғиш тусли ва майда қон томирчалари билан қопланган, киприклар қалта, қошлар эса юқори жойлашган ҳамда диккайган шаклда бўлади.

Бундай кўз соҳиблари хушчақчақ, кўнгли очик, аммо қизикқон ва жиззак бўлишади.

"Тор": кўз торгина қинда жойлашган бўлади. У чақнаб турмайди, ёруғликка таъсирчанлиги ва сезгирлиги суст. Киприклар узун ва сийрак, қошлар эса тўғри ёйи шаклида бўлиши кузатилади.

Совуққонлик, жиддийлик, ўта адолатгўйлик, зийраклик бундай кишиларга хос хислатлардир.

"Уйқули": бундай кўз бўртиб турган, ишишган қовоқлар ортига яширингандек таассурот уйғотади. Қорачиги катта, совуқ ва маъносиз боқади. Қош ва киприклар қалин ҳамда узун бўлади.

Кўнгли бўш, соддадил, аммо дангаса ва лоқайд одамларнинг кўзи шу шаклда бўлар экан.

"Очик": кўз катта очик, қошлар эгилиб чаккага тушиб туради. Киприклар эса юқорига қайрилган бўлади. Бундай кўз соҳиблари серхаракат, катъиятли, журъдатли киши. Жасурлиги боис ҳақиқатпарварлиги билан ҳам ажралай туради.

ДАРМОН тайёрлади.

О, муҳаббат...

МАНГУ ҚАЛБИМДА У...

СЎЗ БОШИ: Азиз ёш дўстларим! Мен ҳам сиздек ёш ва навқирон бўлганман, севиб қолганман, севилганман... Сиз каби ҳис-ҳаяжонларни, оташ муҳаббат туйғуларини тотиб кўрганман, севинчларга тўлганман. Гоҳ изтиробда қолиб, қовжираб куйганман, гоҳи гулгун ёниб бахтиёр бўлганман. Бундан эллик йил бурун, сиздек содда ва тўпорилик пайтимда юз берган ушбу дил изҳорим барча ошқикларга ўхшаш севи-ги-муҳаббатдан ларзага келган вужудим нидоларидир.



«Оила» бўлимининг ТЕЛЕФОНИ: 133-04-50

13 Ёшим 30 да. Давлат идорасида ишлайман. Табиатан жиддий қизман. Кўпинча атрофдагилар менга 22-24 ёш беришади. Менинг ёшимда умуман уйланмаган йигитлар кам. Шу сабабли ажрашган ёки аввалги турмуш ўртоғи оламдан ўтган 30-36 ёшлардаги инсон бўлса танишиб, оила қурмоқчиман. Самарқанд вилоятидан бўлса аянам яхши бўлар эди. **Манзилим тахририятда.** Хуморой, Самарқанд вилояти.

14 Хоразм вилоятидан бўлсам ҳам Тошкентда яшаш ва ишлашга имкониятим бор. Ўзим муаллимаман. **34 ёшдаман.** Иш билан бўлиб, шунингдек, келган совчиларни рад этавериб вақт ўтганини ҳам билмай қолибман.

Оила куриб бахтли яшашни орзу қиладиган, бир инсон бўлса тақдиримни боғлардим. Мен танлаган киши 42 ёшгача бўлиб, ўқимишли, ақли ва уй-жойли бўлиши керак. **Манзилим тахририятда.** Гули

15 Оилам бўзилиб ёлғиз қолдим. 7 ёшли қизчам бор. Наманган шаҳрида яшайман. Молия соҳасида ишлайман. Қизимни фарзанд деб қабул қила-

диган, 32-40 ёшлардаги тошкентлик ёки водийлик йигит билан турмуш қуриш орзусидаман. **Манзилим тахририятда.** Дилфуза.

16 Ёшим 22 да, Андижонданман. Мебел ясайдиган устаман. Йигитларга хос ҳамма ишларни бажариш кўлимдан келади. Тўғрисўз, ҳалол, оилани му-

қаддас деб биладиган, жиддий инсонман. Тошкентлик, уй-жойи бор, оқила қиз билан оила қуриш истагидаман. **Манзилим тахририятда.** Дилшод

17 Касбим ҳуқуқшунос. Тошкентда яшайман. Бўйи 165-175 см. атрофида, 24-25 ёшдан ошмаган, хушму-

омала, касб-корли қиз бўлса, танишиб оила қурмоқчиман. **Манзилим тахририятда.** Иззат

18 Фарзандимнинг бузилган ҳаётини кўриб юрагим эзилади. Шошилиб унга ўзимиз ҳам, ўғлимиз ҳам танимаган қизни олиб бердик. Тўйини бундай тезлаштиришимизга менинг оғир касалликка чалиниб, тўшаққа михланиб қолишим сабаб бўлди. Шу боис ўғлим олдида ўзимни гуноҳкор ҳис этаман. Энди эса ўғлим яна уйланса-ю, аҳил оила-

си бўлса, деб орзу қиламан. Шарм-хаёли, одобли (намоз ўқиса ҳам майли) бир жувонни келин қилсам, уй-рўзгорни, ўғлимни шу аёлга топшириб хотиржам бўлсам дейман. Бўлажак келиним Марғилон, Чимкент ёки Чирчиқ шаҳридан бўлса нур устига аъло нур бўларди. **Оминахон ая, Тошкент шаҳри**

19 Сизларга Жиззахдан мактуб ёзаяпман. Ҳар бир аёл каби тўқис бахтни орзу қилгандим. Лекин жуфтими топишда адашдим. **Ёшим 26 да.** Ота-онам билан яшайман. Битта ўғлим бор.

Ажрашган, 35-40 ёшгача бўлган, диёнатли, меҳнатқаш, оқ-қорани тушунадиган, Самарқанд, Жиззах ёки тошкентлик инсон бўлса турмуш қуриш ниятим бор. **Манзилим тахририятда.** Соҳиба

20 Тошкентданман. Машина тузатадиган устаман. **Ёшим 49 да.** Аёлимнинг ноҳўя феъли сабаб бўлиб ажрашиб кетдик. Ҳозир ота-онамникида яшай-

ман. Маҳалламизда обрў-этиборимиз яхши. 35-40 ёшлардаги аёл бўлса оила қурган бўлардим. **Манзилим тахририятда.** Элдор

21 Кўшиқчи, санъаткорман. **Ёшим 43 да.** Бир сабаб туфайли оилам билан ажрашишга мажбур бўлдим. Оиламни тиклашнинг илоҳи йўқлиги боис, яна бахтимни

синаб кўрмоқчиман. 30-35 ёшгача, Тошкентда уй-жойи бўлган ораста аёл билан танишиб ҳаётимни бошқатдан бошламоқчиман. **Манзилим тахририятда.** Бахтиёр

22 Сурхондарёлик **28 ёшли,** ҳалол, диёнатли ва ҳазилни яхши кўрадиган қувноқ йигитман. Ҳали уйланмаганман. Касбим қурувчилик. Оиламни таъминлай ола-

ман. Одобли, бир уйни гуллатадиган, тошкентлик, илоҳи бўлса уй-жойи бор қизга уйланиб оила қуриш ниятим бор. **Манзилим тахририятда.** Дониёр

23 55 ёшдаман. Пешонамга шу ёшда ёлғиз қолиш битилган экан. Ўзим оғир-вазмин, мулоҳаза билан

иш тутадиган инсонман. Тошкентлик, уй-жойи бор, бир исломий аёл бўлса уйланардим. **Ёқубжон**

Б. Сайдалиева тайёрлади.

ҚАЛБИМНИНГ ИЛК НИДОЛАРИ

1957 йил, октябрь. Тошкент шаҳар мактаб ўқувчиларини ҳам илк бор пахта теримига олиб чиқишган кезларди эди. Юқори Чирчиқ туманида ўн кун пахта тергач, илгор терим-ларга қатори менга ҳам уйга бориб келишга рухсат беришди. Уйдагиларни соғинган эдик-да. Уйда икки кун бўлгач, мактаб маъмурияти ташкил қилган махсус автобусда яна пахта терими томон қайта йўлга тушдик. Бундай олис йўлга энди чиққанымдан бўлса керак, бора-боргунча атроф-теварак руҳимга завку шавқ берар, беҳад мароқли туюлар эди.

ёғилиб турарди! Назаримда, бундай сеҳрли маъно унинг кўзигагина хос ва фақат, менигина буни ҳис этиб, тушуниб турибман. Ана шу лаҳзаларда қалбим ҳайқириб, вужудим ларзага келади. Шунгача ҳеч қачон ҳис қилмаган ёт, аммо ором-бахш туйғу жисимни қамраб олади. Автобусни тўлдириб кетаётган ўқувчилар-у муаллимлар кўнглимизда янгигина ниш урган яширин ҳислардан беҳадор ўз хаёллари билан жим кетишади. Биз эса юракларимизда ҳозиргина жунбушга келган ўтли кечинмаларга таслим бўлиб борамиз. Кўзла-

Шу кеча биринчи марта қалбимда тугён урган илк муҳаббатимни (агар шу муҳаббат бўлса) ардоқлаб тонг оттирдим. Тонг-сахарлаб турганимда қандайдир янги инсон шаклига киргандай, янги одам бўлиб қолгандай энгил, аммо мағрур эдим. Ҳар бир хатти-ҳаракатларимга, кўз боқишларимга бахтиёрлик сингиб кетарди. Чунки бошимни тошга урмасдан, ўз наздимда осонгина, бир онда бўлажак қаллимни топгандай эдим... Ҳа, севиғи ўзи шунақа, қутилмаганда келиб қоладиган неъмат экан! Мен энди ёлғиз эмасман. Энди, мен қарашим қарашидан, нафасим нафасидан, қалбим қалбидан маъно топадиган, ором оладиган, жунбушга кела-ладиган, бир кун келиб умр йўлдошим бўладиган ҳисдош «қизим»ни топгандай эдим...



Пахтани одатда биз – ўғил болалар бошқа пайкалда, қиз болалар бошқа пайкалда тараб эдик. Биз терим пайкалига бориш учун клуб қошидан ўтишимиз керак. Шунда ишончим комил эди-ки, кечаги қиз, албатта, кўзлари билан мени кузатиб кўяди. Кўнглим ҳис этапти, янгилишим мумкин эмас! Унинг оташин ва маъсума нигоҳлари мени алдамас!

Чиндан ҳам, машина клуб ёнидан «ғиз» этиб ўтиб бораркан, кўзим ҳеч кимга эмас, балки кечаги рангпар лўппи юзлари устида эзгу ниятлари, сирли нигоҳлари порлаб турган ўша дилдор кўзларга туйшади! Кечагина қалбимда уй-фоғонга туйғу мени яна бир бор ларзага солади...

Шу кунни бутунлай унинг нигоҳидаги сирли маънолар оғушида юрдим. Кўнглимда авжига чиққан тўлқинлар тобора жўш уради. Аммо энди анча ўзгариб, ғала-ғовуригим босилиб, эслироқ одам бўлиб қолганлигимни яна сеза бошладим. Ўртамизда эндигина очилган муҳаббат чечакларини асраб-авайлаш масъулияти аввало менинг зимма-далигимни ҳис қила бошладим. Шу сабаб бўлса керак, ўртамизда тугилган сирли, оташли туйғунини ҳаммадан махфий тутардим. Ваҳоланки, бу пайтда у 15 ёшда, мен 17 ёшда эдим (Урушдан кейинги оғир ҳаёт туфайли мени 9 ёшдама мактабга беришган экан).

(Давоми бор) Азимжон ҚОСИМОВ

Автобусда йўлдошларимни кўздан кеираман. Бир маҳал ногаҳон кўзим мендан нарироқда – автобуснинг олд қисмида тик туриб кетаётган қизга тушадим!!! Қиз эса нечундир менга боқиб турарди. Кўзларимиз учрашади. Нафақат учрашади, балки хуфиёна танишади.

Қизнинг нигоҳидаги менга бўлган аллақандай сирли ифода диққатимни тортади. Бир неча дақиқа унинг кўзларига қараб қоламан. Биринчи марта кўриб туришимга қарамай, у менга танишдай, яқин кишимдай бўлиб кўринади. Қаерда кўрганлигимни эслашга уринаман. У эса фусункор кўзлари билан менга қараб-қараб кўяди. Юрагим тўлганиб, шу вақтга қадар нотаниш бўлган оташин ҳисга тўла бошлайди. Мунча у маъсума бўлмаса! Нигоҳларидан алланечук сирли маъно

римиз эса зимдан такрор ва такрор учрашиб ниманидир демоқчи, ниманидир тушунирмоқчи бўлади. Қалбимда ҳис-ҳаяжон нидо қилади...

Манзилга этиб келамиз. Қизнинг қўлида кўрпа-ёстиқ ниқ-талаб тиқилган қоп. Ётоқхонага яқинлашамиз. Шу асно бир бола илдам ҳаракат қилиб этиб келади-ю, ҳеч бир тортинмай, иккиланмай қизнинг қўлидан қопини олади. Иккаласи қизлар ётоқхонаси томон бурилади. Ораксидан қараб қоламан. Шу онда у ҳам ортига қараган бўлади. Наҳотки, у менга қараган бўлса!

Яна қарайди, яна... Қизлар колхоз клубида жойлашган эди. У эшикдан кириб кетади-ю, кўзимдан ғойиб бўлади... Мен эса оташ туйғуларим билан ўзимизнинг ётоқхонамизга буриламан...

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси

Фойдаланилмаган кўлэмалар таҳлил қилинмайди, муаллифларга қайтарилмайди, ёзма жавоб берилмайди. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти - 20.00. Босишга топширилди - 21.00. E-mail: oilavajamiyat@rambler.ru oilavajamiyat@mail.ru

БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА

Бош муҳаррир: 134-86-91
Қабулхона: (тел. ва факс) 133-28-20
Бош муҳаррир ўринбосари: 134-25-46
Оила, табриклар, эълонлар: 133-04-50
Бўлимлар: 133-04-35, 134-25-46
Бухгалтерия: 132-07-41

МАНЗИЛИМИЗ:
Тошкент - 700000
Амир Темура кўчаси,
1-тор кўча, 2-уй.
«Олой» бозори ёнида.

Газета тахририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.

ХОМИЙ: «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси

ОБУНА ИНДЕКСИ - 176
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 027-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г - 1232. Формати А-3, ҳажми 4 табоқ.
Адади - 10894
Саҳифаловчи — Ш. БАРОКОВ
Рассом — Н. ХОЛМУРОДОВ
Навбатчи — Д. ИБРОХИМОВ
Мусаҳҳиҳ — С. САЙДАЛИМОВ

2 3 4 5 6